


**ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА**

**ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ  
ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**(“Кимё” фани мисолида)**

**МОНОГРАФИЯ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА**

**ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ  
ШАКЛАНТИРИШ (“Кимё” фани мисолида)**

**Монография**

**ЧИРЧИҚ - 2020**

Ушбу монография Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг илмий-техник кенгашини 2021 йил «28» январдаги №2 - сонли мажлисида муҳокамадан ўтказилган ва тасдиқланган.

**Муаллиф:**

*Исламова М.Ш.* – “Педагогика” факультети мустақил тадқиқодчиси

**Тақризчилар:**

*A.K. Рахимов* Тошкент вилояти чирчик давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори

*С.Умаров* Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти “Умумий педагогика” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

# **МУНДАРИЖА**

КИРИШ.....	4
------------	---

## **I-БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ МУҲИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙУНАЛТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

§1.1. Мактаб ўқувчиларининг ўқув-билиш фаолияти ва касбий муҳим сифатлари таҳлили.....	6
§1.2. Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг касбий дунёқараши тузилмаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	20
§1.3. Ўқувчиларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқараши шакллантириш усуллари тизими.....	36
§1.4. Ўқувчиларда касбий дунёқараши шакллантиришга доир хориж тажрибаси.....	52
I - боб бўйича хулоса .....	59

## **II-БОБ. КИМЁВИЙ БИЛИМЛАР АСОСИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ**

§2.1. Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш мазмуни.....	61
§2.2. Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш методикаси.....	88
§2.3. Касбий дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган масалалар тизими ҳамда уни баҳолаш мезонлари.....	112
§2.4. Мактаб ўқувчиларида касбий дунёқараши шаклланиши даражасининг кимёвий билимларни ўзлаштиришга таъсирини тадқиқ этиш.....	133
II- боб бўйича хулоса .....	143
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....</b>	146
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	148

## **КИРИШ**

Жаҳонда замонавий педагогик технологиялар, замонавий ўқув лойиҳалари негизида, “Lifelong learning” таълим дастурлари бўйича касбий фикрлаш кўнилмаларини шакллантириш муаммолари, жамиятга малакали кадрлар тайёрлаш жараёнларини халқаро андозаларга мослаштириш таълим сифатини тубдан яхшилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, хорижий мамлакатларда илғор педагогик тадқиқотлар билан шуғулланувчи University of the West of England (Англия), Curtin University (Австралия), Emily Carr University of Art and Design (Канада), Art Center College of Design (АҚШ) каби нуфузли таълим муассасаларида таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқувчиларда касбий дунёқараши устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият масалаларига оид “Техникавий ва касб-хунар таълими тўғрисида”ги Конвенциясига (Convention on Technical and Vocational Education) мувофиқ глобаллашув шароитида меҳнат бозори талаблари асосида таълим хизматларининг инновацион технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали таълим олувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро андозаларга мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш қўп жиҳатдан умумтаълим мактабларида пухта касбга йуналтирилган билимлар бериш, таълимнинг барқарор ривожланиши билан боғлиқдир. Ўз навбатида бу ўқув жараёнини касбий билимлар асосида ташкил қилиш орқали амалга оширилишини тақозо қиласди. Бу эса таълим жараёнини бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш, унга тегишли ўқитиш технологияларни жорий қилиш, таълим мазмунини доимий равишда янгилашиб боришига қаратилган методик таъминотни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Замонавий ўқитиш технологиялари билан узвийликда баркамол шахс тарбиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган касбий дунёқарашни ривожлантириш ва уни педагогик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш

ҳамда уни янги сифат босқичига олиб чиқишига қаратилғанлиги билан долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча соҳаларига компетенциявий талабларга жавоб берадиган мустақил ва эркин фикрлайдиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> устувор вазифаси белгиланган. Шу сабабли умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг амалдаги методлари ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш борасида илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 29 апрельдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги Фармонлари, шунингдек, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3931-сонли Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласи.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони:// Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

# **I. БОБ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КИМЁВИЙ БИЛИМЛАР АСОСИДА КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **§ 1.1. Мактаб ўқувчиларининг ўқув-билиш фаолияти ва касбий мухим сифатлари таҳлили**

Абу Наср Ал-Форобий “Касб-хунар икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади” деб таъкидлаган. Таълимнинг юксалиши малакали касб эгалари тайёрлашнинг, Ватан равнақининг мезонидир, “...Янгича мустақиллик йўли, ўзимизнинг йўлини таълим-тарбияда буюк бурилишларни тақозо этиши”, таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлишини инобатга олган ҳолда, жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш вазифасини белгилаб беради. Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини, ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, компьютер технологияларидан кенг фойдаланишдан иборат аниқ вазифаларнинг бажаришни тақозо этади. Бу вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида, умумтаълим мактабларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ўқувчиларни касбга йўналтириш масаласи Бакиева , С.Сайтов томонидан, ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг педагогик шарт-шароитлари, О.А.Сманбаев эса, қишлоқ мактаблари ўқувчиларининг онгли равишда чорвачилик бўйича касб танлашга тайёрлашнинг педагогик асосларини, А.Хайтов қишлоқ мактаблари ўқувчиларини умумий политехник ва касбий таълим асосида меҳнат фаолиятига тайёрлаш масаласини тадқиқ этган.

Ўкувчиларда дунёқарашни шакллантириш масаласини М. Рахматуллаева ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш жараёнининг аҳамиятини фалсафий-ижтимоий таҳлил қилган, А. П. Боботаев умумтаълим мактабларида илмий дунёқарашни шакллантиришни педагогик жиҳатдан асослаган , А. К.Турашбеков илмий дунёқарашнинг аҳамиятини , Р.Х.Джураев шахсда диалектик-материалистик дунқарашни шакллантириш М.П.Мухамеджанова мактаб ва оила ҳамкорлиги асосида юқори синф ўкувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш, А. Хатамов дунёқараш ва шахснинг билиш фаоллигини ошириш муаммолари бўйича тадқиқ этилган.

Кимё фанини ўқитишни такомиллаштириш масаласи, Х.Т.Омонов, кимё таълимининг фалсафий-педагогик асослари ва уни такомиллаштириш , Ш.А. Мамажонов, олий ўкув юртлари “Кимё ўқитиш методикаси” курсининг тузилиши ва мазмуни, Э.У.Эшchanов, ўкувчиларнинг органик кимёдан ўкув фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш методикаси, М.Б.Ажиева, кимё фанини ўқитиш мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, Н.А.Анварова, касб-хунар коллежларида кимё дарсларини компьютер технологиялари асосида ўқитиш методикаси илмий тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Е.С.Астрайко, умумтаълим мактаблари ўкувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш, С.И.Бекетова, табиий фанларни ўқитишда мактаб ўкувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш, А.Ф.Бортник, мактаб ўкувчиларида илмий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари, З.Г.Воинкова, ўкувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш, И.Н.Голицына, таълимни ахборотлаштиришда мактаб ўкувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш, Т.П.Герасимова, М.К.Ковалевская, Л.М.Панчешниковалар ўрта мактабда ўкувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришнинг муҳимлиги, Л.А.Романова , Л.А.Ромашовалар кичик мактаб ўкувчиларини табиий билимлар асосида дунёқарашини шакллантиришнинг афзаллиги, М.А.Захарян умумий билимлар асосида мактаб ўкувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш,

Н.В.Колкова, Ю.В.Масленникова, И.В.Гребенев мактаб ўқувчиларда табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш зарурати илмий тадқиқ этилган.

Касбий дунёқарашни шакллантиришнинг муаммомларини Р.М. Абдулгалимов ва Т.Э.Кафаровлар тиббиёт ходимлари учун касбий дунёқараш моделини ишлаб чиқишиган; Е.В.Дмитриева бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик дунёқарашни шакллантиришни илмий педагогик жиҳатдан асослаган; В.В.Борисов ва С.В.Борисовалар касбий дунёқараш ўқитувчи шахсининг муҳим сифати деб қарашган; В.Литвинова таълим олувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш касбий компетенциянинг асоси деб қараган; И.В.Сиосенко ўқувчиларда таълим-тарбия жараёнида касбий дунёқарашни шакллантиришнинг зарурлигини, В.О.Романова бўлғуси педагог-психологларни акмеологик ёндашув асосида касбий дунёқарашини шакллантиришни илмий асослаган, Д.Ю.Тарасов касбий дунёқарашнинг назарий аспектларини ёритган, Т.В.Склярова ва бошқалар тадқиқ этилган.

Шунингдек, таълим олувчиларда мустақил фикрлашнинг умумий назарий масалалари хорижий мамлакатларда M.A.Armstrong, H.Eysenck, R.J.Sternberg, T.I.Lubart, E.P.Torrance, каби амалиётчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган таълим олувчиларни касбга йўналтириш, дунёқарашини, мустақил фикрлашни шакллантириш бўйича кўплаб кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамай, мактаб ўқувчиларини касбий йўналтириш методини, таълим мазмунини такомиллаштириш муаммоларини ҳал этиш борасида, уларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Маълумки, педагогик жараённи моҳияти – ўқитувчининг таълим олувчи билан бирор фаолиятида аксини топади, бунда педагог таълим олувчига қийинчиликларни енгиб ўтиши учун ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг моҳияти педагогик жараённинг йўналтирилганлиги ва тавсифида ҳамда шахсни шакллантириш ва тарбиялашда ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади.

Педагог фақатгина эълон қилган, кўрсатган, эслатган, тушунча берган, йўналтирган, ҳаққонийлаштирган, маслаҳат берган, кенгашган, бартараф этган, ҳамдардлик қилган, илҳомлантирган, қизиқиш ва ҳурматини изхор қилган, талабчанликни қўллаб - қувватлаган ҳолларда ёрдам беради.

Умумтаълим мактабларида касбий дунёқарашни шакллантириш жараёни таҳлил қилинганда, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши давлат таълим стандартлари асосида олиб борилаётганлиги, лекин юқори синфларда касбий йўналтириш ишлари фанларни ўқитиш жараёнида эмас, асосан дарсдан ташқари вақтларда олиб борилиши аниқланди [1-илова].

Мактабда янги билимларни ўзлаштириш дарси, билимлар, малака ва қўникмаларни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш дарси, ҳамда назорат – текшириш дарси ва аралаш дарсларни олиб бориш жараёнида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш бугунги кун талабида эмаслиги аниқланди [2-илова].

Умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш, электив таълим курси, инновацион таълим кластери, ўқувчиларда касбий политехник фикрлаш, касбга йуналтиришнинг интерфаол усуслари кабилар бўйича мавжуд аҳвол аниқланди [2-илова].

Кимё фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбий йўналтириш мазмуни фан ўқитувчиларида шаклланмаганлиги; ўқув жараёнини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш даражасининг пастлиги; таълим тизимида компьютер технологияларини амалда қўллаш, фанларни ўқитишида компьютер дастурлари, электрон дарслик каби замонавий ўқитиш услубларидан деярли фойдаланилмаслиги аниқланди. Фикримизнинг тасдиғи, ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан бу борада сўровномалар асосида 67 та ижобий ва 193 та салбий мазмундаги жавоб олинди [2-илова; 3-илова].

Дунёқараш табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимиdir.

Ижтимоий тараққиёт жараёни ҳар бир давр учун ўзига хос ва ўзига мос замонавий тафаккурга эга бўлган инсонларни тарбиялаб, янгича дунёқараш асосида жамият ривожига туртки берувчи ёшларни вояга етказиб беради. Бу жараёнда халқнинг истиқболини юқори чўққига олиб чиқувчи фалсафий дунёқараш тизимида касбий дунёқарашнинг роли кучли бўлиб, миллат тақдири, Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлида ўзгача қиёфа касб этувчи давлатлар шаклланиб боради.

Билим ва гоялар асосида инсон фаолиятининг барча жабҳаларида анъаналар вужудга келади, шаклланади ва ривожланади. шунингдек амалий ҳаётда, санъатда, адабиётда, фанда, динда шаклланадиган воқеликнинг муайян ғоялари, моделлари ва тасвирларида намоён бўладиган дунёқарашни ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир инсоннинг дунёқарashi узок, мураккаб, кўпинча интеллектуал меҳнат натижасида шаклланади. Бундай қарашлар унинг маънавий маданиятининг пойдеворига, унинг "Мени" нинг моҳиятига айланади, унинг ҳаётий позициясини, виждонини белгилайди.

Дунёқараш инсонларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, хукуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳоказо қарашлари ва тасаввурлари мажмуасидан иборат. Кишилар теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида қанча кўп маълумотларга, билимга эга бўлса, уларнинг дунёқарashi ҳам шу даражада мукаммал ва пухта бўлади.

Дунёқараш тушунчаси “дунёни ҳис қилиш”, “дунёни тушуниш” иборалари билан узвий боғлиқдир. Чунки, оламдаги нарса ва ҳодисалар бизнинг ҳиссий органларимиз орқали кишиларда турли-туман ҳиссиётларни, кайфиятларни юзага келтиради. Улар бизнинг тафаккуримиз ёрдамида мужассамлаштирилади ва ниҳоятда маълум фикрлар, тасаввурлар, тушунчалар, қарашлар ҳосил бўлади. Дунёқараш табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими, маълум билимларнинг умумийлигидир.

Ж.Туленов        ва        3.Фофуровлар        дунёқарааш        шаклланиб  
ривожланаётганлигини таъкидлаган ҳолда, дунёқараашнинг қуидаги турларини  
шундай ифодалайдилар: “Фалсафий дунёқарааш-бу олам ҳақидаги яхлит ва  
системалаштирилган билимлар йигиндисидир. Мифологик ва диний дунёқарааш  
ҳиссий аъзоларимиз орқали эришилган маълумотлар асосида шаклланса,  
фалсафий дунёқарааш ҳиссий ва ақлий аъзоларимиз туфайли илм-фан ёрдамида  
тўпланган билимлар йигиндисидир” .

Оlam моҳияти ва унинг асосида ётган қонуниятларни билиш зарурияти  
турли фалсафий дунёқараашларнинг вужудга келишига олиб келади. Улар  
маълум синфлар манфаатларини ифода этиб, етакчи дунёқарааш ва методология  
сифатида инсонга атрофдаги оламни ва унинг ривожланиш қонуниятларини  
назарий ва амалий ўзлаштиришга хизмат қиласи. Жамиятнинг ўзгариши билан  
бир қаторда у ҳам доимо ривожланиб, мазмунан ўзгариб туради.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида илмий дунёқараашни  
шакллантиришнинг илмий –амалий масалалари бўйича – Е.С.Астрейско,  
уммутаълим мактабларида аниқ ва табиий фанларни ўқитишида илмий  
дунёқараашни шакллантириш бўйича – С.И.Бекетова, таълимни  
ахборотлаштиришда ўқувчиларнинг илмий дунёқараашини шакллантириш  
масалалари – И.Н.Голицина, мактабда физика фанини ўқитишида ўқувчиларнинг  
илмий дунёқараашини шакллантириш масалалари- И.В.Пастух, табий фанларни  
ӯқитиш жараённада мактаб ўқувчиларида илмий дунёқараашни шакллантириш  
методикасини илмий тадқиқ этганлар.

Таълимда ўқувчиларнинг дунёқараашини шакллантириш жараёнлари И.В.  
Сиосенко, касбий дунёқараашни шакллантириш - В.В.Борисов, Т.В.Литвинова,  
В.О.Романовалар томонидан тадқиқ этилган.

Педагогик таҳлиллар шуни кўрсатадики, касбий дунёқараашни шакллантириш  
асосан касбий таълимда, олий таълим муассасаларида (Масалан:  
М.П.Арутюнян, Т.В.Склярова, Д. Ю.Тарасов Р.М. Абдулгалимовлар  
томонидан ) тадқиқ этилган. Бизнинг фикримизча, касбий дунёқараашни  
12

умумтаълим мактабларида шакллантиришимиз лозим. Касб –хунар таълими ва олий таълимда эса уни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Касбий дунёқарааш интеллектуал билимлар асосида, ўз-ўзидан, кундалик тажриба асосида ёки ҳар хил дунёқараашларнинг ўзаро таъсири натижасида ёки онгли равишда фундаментал ғоялар ва тамойилларни назарий ривожлантириш орқали шаклланиши мумкин.

Касбий дунёқарааш интеллектуал билимлар асосида, ўз-ўзидан, кундалик тажриба асосида ёки ҳар хил дунёқараашларнинг ўзаро таъсири натижасида ёки онгли равишда фундаментал ғоялар, ғоялар, тамойилларни назарий ривожлантириш орқали шаклланиши мумкин.

Мактабда ўқувчиларни касбий йўналтириш, касбий маслаҳатлар, касбий дунёқараашни шакллантиришнинг самарадорлиги инсоннинг меҳнат жараёни ва ўзи ҳақида хабардорлиги кенглиги ва чуқурлиги билан белгиланади. Ушбу билим мактабда олинади. Шунингдек, тўгаракларда дарсдан ташқари ва бўш вақтларда ва ҳоказоларда шахснинг мойиллигини очиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ёшларнинг касбий-меҳнат соҳасига муносабатини ва шахсини шакллантириш жараёни ички ва ижтимоий касбий эҳтиёжлар, ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши мумкин. Уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, яъни бу ёки бошқа ижтимоий ва касбий турмуш тарзини танлаши, иш соҳалари ва маълум бир касб эгаси бўлиши, хусусан касблар ва иш турлари мураккаб дунёсидаги мавқеини, мавжуд талабларни, шу жумладан унинг малакаси ва касбий жавобгарлик ҳаракатчанлик ва касбий аҳамиятга эга бўлган фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим.

Шахснинг жамиятда, меҳнат тақсимоти тизимида муайян функцияларни бажариш қобилияти, унинг технологиянинг хилма-хиллиги, ишлаб чиқариш жараёнлари, ускуналар ва материалларнинг ўзига хос хусусияти, иқтисодиёт

тармоқларининг сифат жиҳатдан хилма-хиллигида самарали фаолият олиб бориш имконини белгилаб беради. Бу эса, мамлакатнинг саноат худудлари таркиби илмий ва техник томонидан таъминланиши, уларнинг тараққиёти сифатли янги технологиялар, автоматлаштиришни жорий этишга хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Муслимов Н.А, замонавий педагогик таълим нафақат мавжуд педагогик технологиялардан фойдаланувчи, балки фаолиятни ташкил этиш жараёнида меъёрий чегараларидан чиқа оладиган ҳамда инновацион ҳаракатларни амалга ошириш лаёқатига эга бўлган ўқувчининг касбий ва шахсий камолотини таъминлашга эришишни ташкил этишини таъкидлайди.

Касбий йўналтирилган таълимда: ҳар қандай машғулот фақат ўқувчи ва ўрганилаётган обьектнинг мақсадли ўзаро таъсири билан амалга оширилади, ўқитиши ўқитувчининг фаол фаолияти билан, ўқувчининг қизиқиши ва фаолиятига мос равишда амалга оширилади.

Ўқитувчининг ассимиляция мавзуси билан шуғулланадиган ўқувчиларнинг фаоллиги қанчалик интенсив ва кўп қиррали бўлса, ассимиляция сифати шунча юқори бўлади; таълим жараёни фақат ўқувчининг мақсадига мос келадиган шароитда амалга оширилади; ўқитиши мақсади, таълим мазмуни ва ўқитиши усуллари ўртасида доимий боғлиқлик, яъни мақсад мазмун ва усулларни, усуллар ва таркибни мақсадларга эришиш даражасини белгилайди.

Ўқитувчининг кимёвий билимларни бериш жараёнида касбий йўналганликни таъминлаши, унинг маълум таълим мақсадлари, унинг таркибий қисмлари ва элементлар, усуллар ва ташкилотлар тўғрисида хабардорлиги билан боғлиқдир. Фанни ўрганиш шакллари ва усулларига касбий тушуниш ташкил этилган тақдирдагина ўрганилиши мумкин бўлган тушунчалар киради. Баъзи кимёвий тушунчаларни касблар билан ўзаро боғлашда, баъзи тушунчаларни бошқалардан ажратища ўқувчиларнинг фаолиятида ўқитувчининг касбий кўникмага асосланган онгли операциялар ва ҳаракатлари ёрдамида касбий кўникмалар шаклланиши мумкин; онгли таркибни


ассимиляция қилиш кучи қанчалик кўп бўлса, ушбу таркибни тўғридан-тўғри тақоролаш ва уни таркиб тизимиға киритиш мунтазам равишда ташкил этилади.

Машғулотлар тегишли мақсадларни ҳисобга олган ва уларга эришиш учун зарур бўлган ўқитиш воситалари ва усулларини ўз ичига олган машғулотлар давомида амалга оширилади.

Касбий йўналтирилган таълим мақсадлари, шартлари ва натижаларининг уйғунлиги сифатида, ўқитилган шахснинг фазилатлари ва уларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан боғлиқ. Бунда таълим мазмунининг таркибий қисми унинг ролида намоён бўлади. Бу мунтазам маълум даражада муқаррар бир вақтнинг ўзида давом этади (масалан, билимларни ўзлаштиришда, умумлаштирилган фаолиятнинг айрим тузилмалари ўзлаштирилади, ўқув жараёнида касбга муносабат кабилар).

Кимё - бу моддалар ва уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар билан бирга келадиган моддаларни ва уларнинг ўзгаришини ўрганадиган табиий фан. Кимёвий қонунлар ва назариялар бошқа боғлиқ табиий ва техник фанларнинг ривожланишига сезиларли таъсири кўрсатади. Шу билан бирга, кимё ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ҳар бир инсон ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ (1.1.1.-расм).

Кимёвий билимлар умумий инсоният маданиятининг муҳим қисмидир ва цивилизациянинг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшади. Агар кимёвий билимлар элементларининг мазмуни аниқроқ ва аниқроқ режалаштирилган бўлса, касбий характеристикалар прогнози аниқроқ бўлса, машғулотлар самарадорлиги таъминланади.



### 1.1.1-расм.Кимёвий билимлар мазмуни

Ўқув жараёнига таъсир этадиган одатий шароитлар, ўқув жараёнига таъсир этувчи ўзгарувчан ўқув вазиятлари таҳлил натижасида замонавий сифат кўрсаткичлари тизимини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1.Шахсни ривожлантириш ва тарбиялашнинг ривожланиш жиҳатлари ва таълимнинг ҳар бир сегментига мос келадиган ролни бажариш;

2.Таълим мазмунини ёки унинг ажралмас тематик қисмларини жамиятнинг мақсадлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган ўзаро боғлиқ тизим сифатида куриш. Касбга йўналтирилган таркибда таълимнинг бирлигини таъминлаш, таълим бериш ва ривожлантириш учун мўлжалланган ва дастурлаштириладиган даражадаги ўқув вазифаларини бажариш;

3.Ўқув жараёнида ўқувчилар учун очик бўлган яхлит тизимда тузилган билимлар, таълим мазмунида, билиш жараёнлари ва усуллари, ўрганилаётган жараёнлар механизми ва амалга оширилаётган ҳаракатлар тамойиллари тўғрисидаги билимлар бериш;

4.Ўқувчилар томонидан ўқитиш усулларига эга бўлиш, ақлий фаолиятнинг тегишли усуллари, ўз-ўзини ўқитиш тизимиға ўтиш истиқболини белгилаш;

5.Ўқувчиларни дастурдан ташқари машғулотларга жалб қилиш орқали таълим мазмунини кенгайтириш, тегишли ўқув фанлари билан ўзаро боғланишни эътиборга олиш;

6.Жамият манфаатларига мос келадиган қадриятлар тизимини, ўқиш ва ўқитиш сабабларини таъминлаш;

7.Таълим мазмуни турлари ва уни ўзлаштириш усулларининг табиати учун умумий дидактик ўқитиш усулларининг мавжудлиги, шунингдек дидактик вазифаларни бажариш учун муайян ўқитиш усулларининг мослиги ва ушбу таркибни ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу кўрсаткич ҳар бир ўқув методикаси бўйича умумий дидактик назария нуқтаи назаридан ўзига хос ўқув услублари тизимини ишлаб чиқиш;

8.Ўқитишнинг замонавий воситаларидан оқилона фойдаланиш,

9.Ижтимоий тажрибанинг турли унсурларини ўзлаштириш одатларини ва унинг турли хил ўқув материалига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш;

10. Ўқитиши самарадорлигини мониторинг қилиш. Қулай психологик мухит мавжудлигини ўрганиш ва ўқувчиларнинг индивидуал манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиши ташкил этиш;

11. Касбий фаолият, ўзини ўзи англашга тайёрлик ва интилиш, меҳнат, ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия, қадриятлар тизимини шакллантириш;

12. Билимларнинг тўғрилиги ва изчилиги, дастур томонидан таъминланган ўқув фаолияти услублари, шунингдек, билим ва ўз-ўзини тарбиялаш усуллари бўйича қўрсаткичлар, билим ва кўникмаларни ижодий қўллашга тайёрлик, ўқув материалига ва касбга муносабатни шакллантириш.

Меҳнат фаолиятининг моҳиятини В.Д.Шадриков қуйидаги талқин этган: “Меҳнат энг аввал шундай жараёнки, унда инсон ўзининг шахсий фаолиятини бевосита ифодаланади. Ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини мувозанатлайди, тартибга солади”. Муаллиф меҳнат фаолиятини унинг қуйидаги уч жиҳатининг бирлигига қараб чиқиши таклиф этган: предметли-таъсиран (“инсон меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметида олдиндан мўлжалланган ўзгаришларни вужудга келтирадиган жараён сифатида”); физиологик (инсон организми функцияси сифатида); психологик (онгли мақсадни амалга ошириш, мутахассиснинг иродаси, диққати, интеллектуал хоссаларини намоён қилиш ва бошқалар сифатида).

Касбий фаолият тўғрисида фикр юритганда эса қуйидаги, учта тушунчани аниқлаштириш лозим: касб, мутахассислик ва ихтисослик. (квалификация).

Касб - деганда шундай фаолият (машғулот) тури тушуниладики, у меҳнатнинг ижтимоий тақсимланишига асосланган ва инсонни моддий таъминлашнинг ижтимоий жиҳатдан тан олинган манбаси ҳисобланади .

Инсон эҳтиёжларининг ортиши, унинг фаолияти мураккаблашиши ва илмий-техник тараққиёт туфайли имкониятларининг кенгайиш жараёнида касб доирасида меҳнатни табақалаштириш зарурияти юзага келди. Меҳнатнинг касб

ичида бундай бўлиниши натижасида мутахассисликлар вужудга келди. “Мутахассислик касбий меҳнатдаги ишларнинг нисбатан тор доирасини ўз ичига олган касбий фаолият туридир”.

Бирор бир соҳадаги касб эгасининг фаолиятини тавсифловчи энг кенг тушунча - бу “ихтисослик” ҳисобланади. “Ихтисослик - бирор-бир турдаги меҳнатга яроқлилик, тайёргарлик даражасидир”. Ихтисослик - бу мутахассиснинг касбий ўқиганлиги даражаси ва тури, унда маълум бир ишни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги ҳисобланади [94]. Ихтисослик касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маҳсус билимлар, кўникмалар, малакалар ва тавсифлар билан ифодаланади ҳамда касбий муҳим хусусиятлар сифатида белгиланади.

Касбий тайёргарлик профессиограммасида қайд этилган касб ва касб эгаси тўғрисидаги илмий асосланган тасаввурларга таяниш керак. Мавжуд профессографик схемалар жуда кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг мазмуни ва тузилиши касбни ўрганиш мақсадларига, унинг хусусиятларига шунингдек, тадқиқотнинг назарий пойдеворига боғлиқ.

Шу билан биргаликда X.Ф. Рашидов, А.Р. Ходжабаев ва бошқалар касб ва ихтисослик атамаларини қуидагича таърифлаган: касб - маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаши, унга жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик хукуқларни таъминловчи асосий меҳнат фаолиятининг тури; ихтисослик бирор бир касб доирасида маълум бир фаолият тури учун маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибалари орқали эришилган зарурий билимлар, кўникмалар ва малакалар мажмуаси. Касбий фаолият соҳаси касбий билим, кўникма ва малакалар орқали очиб берилади.

Э.Ф.Зеер фаолиятнинг психологик тузилмасида умумлаштиришнинг қуидаги учта даражасини ажратган: фаолият ва вазиятларнинг аниқ турлари; ўзига хос касбий вазифалар ва масалалар; касбий кўникма ва малакалар;

В.С.Леднев ҳар қандай мутахассис касбий фаолиятининг инвариант компонентлари тұғрисида фикр юритиб қуидагиларни таъкидлаган. “Бұ компонентлар сифатида технологик, ташкилий, лойиха-конструкторлик ва педагогик фаолият иштирок этади” . Муаллиф фикрича ушбу инвариант компонентлар түплемини ажратиши мезони сифатида меңнатнинг қасб ичидаги бўлиниши яъни, қуидагилар - хизмат қилади:

1. Ҳар қандай фаолият соҳасида, энг аввал, мос қасб мутахассислари банд бўлган технологик хизмат ажратилади. Технологик хизматнинг асосий кўринишларидан бири технологик жиҳозларни таъмирлаш ҳисобланади.
2. Мутахассисларнинг кўпчилиги ўз қасбига мос ҳолда лойиха-конструкторлик фаолияти билан банддир.
3. Ҳар қандай қасбдаги мутахассислар фаолиятининг муҳим соҳаси илмий-тадқиқотчилик фаолияти ҳисобланади.
4. Ҳар қандай йўналишдаги мутахассисларнинг катта қисми педагогик фаолият билан банддир”.

Таълим-тарбия муассасалари олдига қўйилган ижтимоий буюртманинг натижаларига ўқувчиларнинг қасбий тайёргарлик даражаси, ғоявий эътиқоди, мустақил ва ижодий қобилияти, бирор қасбни севиши ҳамда қадрлашига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам шахсни қасбий тайёрлаш узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришнинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Бу ўз навбатида тизимли ёндашув асосида яхлитлик тамойилида, ўрганилаётган объектнинг барча ташкил этувчи элементлари, жиҳатлари ўзаро узвий алоқадорлик ҳамда муносабатда ташкил этилади. Тизимни ташкил этувчи компонентларнинг бирлиги, уни тузилиш жиҳатидан яхлитлигини таъминлаш билан бирга ривожланиш йўналишини ҳам белгилайди. К.З.Зарипов фикрича: “Тизимли ёндашув объектларни ўрганишда оддий, яъни уларни алоҳида, ўз ҳолиша, якка ҳолда боғланишларини инобатга олмай ўрганишдан қатор устунлиги мавжуд. Энг аввало, тизимли ёндашув объектлар ўртасидаги сабаб-

оқибатли боғланишларни очиш, ўрганилаётган ҳолатнинг келиб чиқиши ва ривожланиш истиқболини аниқ кўриш имкониятини беради. Бунинг учун, тизим қисмларининг умумий тизимдаги ҳар бирини бажарадиган вазифаси, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати алоҳида-алоҳида, сўнгра яхлитлигича таҳлил қилинади. Шу асосда таркибий қисмларнинг ҳар бирининг вазифаси аниқланиб, умумий мақсад ва натижа белгиланади” .

Бунда, оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийликка, маълумдан номаълумга, тарихийликдан мантиқийликка, сабабдан оқибатга каби қонуниятларга таяниб иш кўрилади. Касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлашни такомиллаштиришда тизимли ёндашувдан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида таълим тури, вазифалари, мазмуни, ташкилий шакллари, амалга ошириш шарт-шароити, методлари, воситалари, таҳсил олувчилаарнинг индивидуал хусусиятлари, моддий-техник, ўқув-услубий таъминоти кабиларни ҳисобга олиш кўзда тутилади.

### **§ 1.2. Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг касбий дунёқараши тузилмаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Дунёқарааш инсонларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши хақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳоказо қарашлари ва тасаввурлари мажмуасидан иборат. Кишилар теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида қанча кўп маълумотларга, билимга эга бўлса, уларнинг дунёқараши ҳам шу даражада мукаммал ва пухта бўлади.

Дунёқарааш тушунчаси “дунёни ҳис қилиш”, “дунёни тушуниш” иборалари билан узвий боғлиқдир. Чунки, оламдаги нарса ва ҳодисалар бизнинг ҳиссий органларимиз орқали кишиларда турли-туман ҳиссиётларни, кайфиятларни юзага келтиради. Улар бизнинг тафаккуримиз ёрдамида мужассамлаштирилади ва ниҳоятда маълум фикрлар, тасаввурлар, тушунчалар, қарашлар ҳосил бўлади.

Ушбу билим ва ғоялар нафақат ҳозирги, балки ўтмиш ва кутилган келажакка ҳам тегишли. Улар одамларнинг маънавий оламини бирлаштиради. Бундай билим ва ғоялар асосида инсон фаолиятининг барча жабҳаларида анъаналар вужудга келади, шаклланади ва ривожланади, шунингдек амалий ҳаётда, санъатда, адабиётда, фанда, динда шаклланадиган воқеликнинг муайян ғоялари, моделлари ва тасвирларида намоён бўладиган дунёқарашни ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир инсоннинг дунёқарashi узок, мураккаб, интеллектуал меҳнат натижасида шаклланади. Бундай қарашлар унинг маънавий маданиятининг пойдеворига, унинг "мен" нинг моҳиятига айланади, унинг ҳаётий позициясини, виждонини белгилайди.

Дунёқараш ўз-ўзидан, кундалик тажриба асосида ёки ҳар хил дунёқарашларнинг ўзаро таъсири натижасида ёки онгли равишда фундаментал ғоялар, ғоялар, тамойилларни назарий ривожлантириш орқали шаклланиши мумкин. Бугунги кунда дунёқарашлар хилма-хилдир. Касбий дунёқараш ҳам шулар жумласидандир. Касбий дунёқараш ўқувчиларда мактабда ўқиш жараёнида шакллантирилади. Касбий дунёқараш касбга оид нарса ва ҳодисаларни инсон онгида бир яхлит акс эттириш билан бир қаторда, у кишиларнинг касбий тафаккурлаш маданиятини, ички маънавий дунёсини шакллантиради ва бойитади. Шунингдек, ростгуйлик, поклик, инсонпарварлик ва бошқа олижаноб фазилатларни, ахлоқий меъёрлар, қадриятларни мужассамлаштиради.

Дунёқараш - бу дунёга ва унинг таркибидаги одамга, одамларнинг ўзларини ва ўзларини ўраб турган воқеликка бўлган муносабати, шунингдек, ушбу қарашлардан келиб чиқадиган эътиқодлари, идеаллари, билиш тамойиллари ва фаолияти.

Мамлакатимизда рўй берәётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жамиятимиз учун янги дунёқарашларни излашга олиб келди. Яқин ўтмишнинг эркин "мафкуравий ўрни" ижобий таркиб билан тўлиқ тўлдирилмади, бу эса мактабларда ўқувчилар шахсини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатди.

Цивилизация ривожланишининг замонавий шароитида ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Дунёқараш- ташқи дунё билан онгли равишда ва танқидий муносабатда бўла оладиган яхлит шахснинг ривожланишини таъминлайди.

Ўтказилган кўп сонли илмий-педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлили шунингдек, амалиёт шуни тақозо этадики, бугунги кунда таълим жараёни анъанавий ахборот бериш тарзида ташкил этилиши ўқувчиларда мазмунан чуқур ва пухта, кўлами жиҳатидан кенг қамровли, мантиқан тугал бўлган тизимли билим эгаллашларига имконият яратилмайди. Ўқувчиларда мантиқий-мустақиллик ва фаол-ижодий фикрлаш қобилиятларини таркиб топтириш учун таълимнинг янги фаоллаштирувчи омил (шарт-шароитлари, шакллари, усул ва восита) ларини амалиётга кенг кўламда жорий этиш билан ҳал этиш мумкин.

Касбий йўналган таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда унинг назарий асосларини яратиш ва илғор педагогик тажрибалардан кенг кўламда фойдаланиш турли йўналишларда тадқиқ этиш лозим. Бу йўналишларнинг ҳар бирида фан-Политехника, технологияни ривожланганлик даражаси ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талаблари хисобга олинади.

Фан ўқитувчилари замонавий фан- техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияси, ижтимоий- иқтисодий талабларнинг моҳиятини чуқур ҳис этмаганлиги сабабли, ўзига юклатилган ёш авлодни маънавий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан камол топтириш, фанларни ўқитишида касбга йўналганликни таъминлашдек муҳим вазифаларни тўлиқ таъминлай олмайдилар. Шунинг учун ҳам ижтимоий фаол, мустақил фикр юритадиган кадрлар тайёрлаш учун методик жиҳатдан ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятларини фаоллаштирувчи омиллардан оқилона фойдаланиш лозим.

Хозирги фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини амалиётга жадал суръатлар билан кириб келаётган, жамият ва табиатда юз беряётган ўзгаришлар, бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган, касбий дунёқараши ҳар томонлама кенг, ижодкор кадрлар тайёрлашда таълим-

тарбия ишини инсонпарварлаштириш ва уни амалга ошириш шарт-шароити ва методикасини ишлаб чиқиш бугунги күн талаби.

Үқувчиларни касбий йўналтириш, уларда касбий дунёқарашни самарали шакллантиришда, ижтимоий-касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш талаб этилувчи психологик сифатлар мухим аҳамият касб этади, уларнинг сирасига қуидагилар киради:

- 1) шахсий эҳтиёжлар, ҳаётий мақсад, вазифалар, талаблар, қизиқишлиар, шахс иштирокида ташкил этилувчи муносабатлар мазмуни, қадриятли йўналишилар, психологик позиция;
- 2) касбга қизиқишлиар, талаблар, касбга лаёқатлилиги жиҳатдан ўзини баҳолаш;
- 3) психик ҳолат ва ҳиссий (эмоционал) қиёфа;
- 4) меҳнат уни ташкил этиш жараёнига муносабатлар;
- 5) меҳнат ва касб борасидаги психологик билимлар;
- 6) касбий қобилияят, касбий солиҳият, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари;
- 7) касбга хос, шу жумладан, ижодий фикрлаш, касбий тажрибани бойитиш имкониятлари;
- 8) касбий жиҳатдан ўсишни режалаштириш;
- 9) психологик зиддиятлар (касбий фаолиятга мутлақо ёки муайян даражада мос келмайдиган психик сифатлар бу ўринда касбга хос операционал зиддиятларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир);
- 10) касбий жиҳатдан ўсиш йўналишилари.

Ўқувчиларда қуидаги сифатлар ва қобилиятларни шакллантириш тақозо этилади:

1. Касбий қобилиятлари: сенсомотор қобилиятлар (бармоқ, қўллар билан ҳаракатларни аниқ тез ва мувофиқлаштирилган ҳолда бажариш; қўл билан

мураккаб ҳаракатларни бажариш; қўлда бажариладиган янги турдаги операцияларни тез ўзлаштириш); интеллектуал қобилияtlар (ижодий; математик; конструктив-политехник); шахсий қобилияtlар (ўқитишга қобилият; ўзини ўзи ташкил этиш, ўзини ўзи назорат қилиш; ўзини ўзи бошқариш қобилияти; мустақил ишлаш; ўзини ўзи ривожлантириш; башорат қилиш, олдиндан кўра билиш қобилияти; стрессларга ва касбий деформацияларга барқарорлик); шахслараро қобилияtlар (бошқаларга нисбатан чидам билан муносабатда бўлиш).

2. Шахсий сифатлар: батартиблиқ, рационаллик, қизиқувчанлик, жавобгарлик, мустақиллик, ишда синчковлик, пухталик, қатъийлик, кузатувчанлик, ихтирочилик, чидамлилик, саботлилик. Шахснинг қобилияtlари ва сифатлари узвий қўшилиб кетади ва уларни ҳар доим ҳам аниқ фарқлашнинг имкони ҳам бўлмайди. Маълум бир сифат тегишли қобилият билан мустаҳкамланиши ва аксинча бўлиши мумкин.

3. Шахснинг касбий йўналтирилганлиги: шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, майллари, ишончи, қадриятга йўналтирилганлиги, шуларда касбий дунёқараши ифодаланган.

Кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар таълим жараёнида статик билимларни ўқувчининг интеллектуал ривожланиши жараёнида тўплаш, динамик равища тузилган ақлий ҳаракатлар тизимларини шакллантириш, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган дастурлар мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Мактаб педагоглари олдида ўқувчиларда яхлит дунёқараши шакллантириш, муайян касбга оид мустақил равища маълумот олиш ва қайта ишлаш қобилияти вазифаси турибди. Бунда кимёвий билимлар катта рол ўйнайди.

**Касбий дунёқараш** - бу дунёқарашлар тизими бўлиб, у тизимли омиллар, муайян касбнинг ижтимоий қадриятлари, касблар ҳақида яхлит фикрлашнинг асосидир.

Тадқиқот иши кимёвий билимлар асосида касбий дунёқараши шакллантириш методикаси муаммосига қаратилган бўлиб, унда кимё фанини ўқитиш жараёнида касбий политехник фикрлашни шакллантириш, замонавий педагогик илм-фан нуқтаи назаридан, бу муаммо дунёда шахснинг шахсиятини тўлиқ англашга ҳисса қўшадиган тегишли шароитларни яратиш йўналиши бўйича ҳал қилиниши керак.

Шахснинг дунёқараши қанчалик аниқ ва кенг бўлса, унинг дунё ҳақидаги билимлари ва ҳаётдаги ўрни ҳам шунчалик қўп бўлса, унинг дунё билан ўзаро алоқаси шунчалик самарали бўлади.

Адабиётлар таҳлилига кўра, касбий дунёқараши шакллантириш жараёни шуни кўрсатадики, таълим олувчиликнинг касбий дунёқарашини шакллантириш педагогик назария ва амалиётнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Касбий дунёқараши шакллантиришнинг методологик асослари В.В. Борисов, С.В. Борисов, В.О. Романова ва бошқалар каби олимлар томонидан фаол ишлаб чиқилган.

Дунёқарааш тушунчаси унинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти Платон, Аристотел, Декарт, Кант Ҳегел, Спиноза ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Унинг тарихдаги, фандаги ўрни И. Вернадский, М. Хайдеггер, Э. Фром ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Фалсафий ва методологик даражада дунёқарааш муаммоси билан шуғулланган Р.А.Артсишевский, М.Г.Ашманис, А. А.Касян, Т. И. Ойзерман, А. Г. Спиркин, И. В. Сыйсоенко, А. С. Тонких, В. Ф. Черноволенко, В. И. Шинкарук ва бошқалар шуғулланиганлар. Дунёқарааш категориясининг ривожланиши ва уни шакллантириш усуллари педагоглар ва психологлар Л. И. Божович, Б. И. Додонова, Р. М. Залесский, А.Г.Ковалева, И. М. Краснобаев, Н. А. Менчинская, Т. К. Мухина, Т. С. Тамбовтсева, Б. М. Теплова ва бошқалар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Сўнгги йилларда Э.В.Боднарчук, Э.В. Дмитриева, Т. Я.Железнова, А.Л.Жохова, В.П.Жукова, С.Ю.Рыбина ва бошқаларнинг тадқиқотларида дунёқарааш мавзуси ўз аксини топди.

Психологлар дунёқараашни шахсиятни ривожлантириш контекстида ўрганадилар, бу Л. И. Божович, Б. И. Додонов, Г. Э. Залесский, А. Г. Ковалев, И. М.Краснобаев, Н. А.Менчинская, К.Мухина, В. С.Мухина, Ю.Л. Самарина, Т. С. Тамбовтсева, Б. М. Теплова ва бошқаларнинг асарларида аниқ акс эттирилган.

В. В.Гаинулина, И. Я.Лернер, Б.Т.Лихачев, Э. И. Моносзон, Г. В. Мухаметзянова, Т. И. Ойзерман асарларида "дунёқарааш" тушунчаси ҳакида педагогик тушунча берилган.

Мактаб ўқувчиларининг касбий дунёқараши феномени, тузилиши бугунги кунда аниқланмаган. Таълим олувчиларнинг касбий дунёқараашини касбий ва шахсий ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш ва касбий мослашиш жараёнлари билан уйғунликда шакллантириш жараёни педагогика фанида ҳанузгача етарлича ўрганилмаган.Шунинг учун тадқиқот ишимизда:

Таълим олувчиларнинг касбий дунёқарааш даражасини аниқлаш, касбий дунёқараашнинг таркибий қисмларини, кимёвий билимлар асосида мактаб ўқувчиларининг касбий дунёқараашини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш каби вазифаларни белгилаб олдик.

Шундай қилиб, ўқув жараёнида кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқараашни шакллантириш муаммосининг долзарблиги, фаннинг предмети бир қатор қарама-қаршиликларга боғлиқ, яъни:

-кимёвий билимлар касбий ахборотли ва қимматли таркибий қисми сифатида юқори даражада ривожланган касбий дунёқараашга асосланган, ўқув жараёнининг касбий йўналишини таъминлашнинг сифати ва самарадорлигини ва касб-хунар таълими педагогикасида ўрганилмаган ҳодиса ўртасидаги педагогик коррекция-ишлаб чиқиш ва маслаҳат-таълим вазифалари ўртасида;

-кимёвий билимлар асосида касбий дунёқараши шакллантириш имкониятлари ва таълим олувчиларнинг касбий дунёқарашини касбий ва шахсий ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш жараёнлари билан уйғунликда шакллантиришга ёрдам берадиган ривожланмаган педагогик шароитлар ўртасида ва бошқалар.

Муаммонинг долзарблиги, шунингдек, ушбу қарама-қаршиликларни ҳал қилиш зарурати ушбу диссертация иши мавзусини "Кимёвий билимларга асосланган ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш" деб танлашни белгилаб берди.

Тадқиқот муаммоси қўйидаги саволларга жавоб бериши керак: "Ўқувчиларнинг касбий дунёқараши" тушунчасининг мазмуни нимада? Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини касбий ва шахсий ривожланиш, ўзини такомиллаштириш жараёнларига уйғун ҳолда шакллантириш учун қандай педагогик шароитлар мавжуд?

Тадқиқот жараёнида мактаб ўқувчиларининг касбий дунёқарашини шакллантириш технологиясини асослаган ҳолда, ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш жараёни бўлиб, кимёвий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш технологияси ишлаб чиқилади.

Ўқувчиларда касбий дунёқараши таълим-тарбия жараёнида, кимёвий билимлар асосида шакллантириш самарали амалга оширилади, агар:

- касбий дунёқараши шакллантириш мақсад сифатида қабул қилинса;
- кластер тизимида маҳсус ташкил этилган электив таълим ташкил этилса;
- электив таълим психодиагностика, педагогик коррекция ва ривожланишнинг касбий вазифаларига мувофиқ ўқув жараёнини психологик қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларни ва ота-оналарга касбий ва шахсий ривожланиш, касбий мослашувнинг ўзини такомиллаштириш жараёнлари

билин маслаҳат бериш ва ўқитиши кабилар мазмунин түғрисидаги билимларни бирлаштиради;

- касбий йўналтириш ва касбий ўзини-ўзи ривожлантириш жараёнини рағбатлантирадиган муаммоли ўқитиш ва ижтимоий-психологик тайёргарлик усулларини қўллаш;

- инновацион таълим кластери асосида касбга йўналтириш, таълимнинг психологик қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги яхлит билимлар тизимига "кириш" ўқитишнинг бутун даври давомида узлуксиз ва изчил ташкил этилади.

-педагогик диагностика, ўқувчиларни ривожлантириш ва педагогик педагогик коррекция, ўқитувчилар ва ота-оналарга маслаҳат бериш ва ўқитиш соҳасидаги билим ва тажриба, касбий йўналганлик, касбий ва шахсий ўзини-ўзи ривожлантириш ва бу жараёнларнинг бирлигини таъминлайдиган шароитлар яратилади.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари, шахснинг психологик назарияси (Б. Г. Ананев, Л. С. Виготский, А. Н. Леонтьев, Ж. Пиагет, С. Л. Рубинштейн ва бошқалар); Шахснинг ривожланиши ва фаолиятининг акмеологик назарияси (Б. Г.Ананьев, А. А. Бодалев, А. А. Деркач, Н. В. Кузмина ва бошқалар); Психология, педагогика ва акмеологияда тизимли ёндашувни қўллаш тамойиллари (П.К. Анохин, И.В. Блауберг, В.А. Карташев, Н.В. Кузмина, Б.Ф. Ломов); профессионаллик тузилиши ва унинг шаклланиши тушунчаси (Н.К. Бакланова, А.А. Деркач, Н.В. Кузмина, А.К. Маркова, Б. Д. Шадриков ва бошқалар); таълимда инсонпарварлик (М. Н. Берулава, Э. С. Гуртова, И. В. Дубровина, И. А. Зимная, В. П. Зинченко, Н. В. Кузмина, А. А. Леонтьев ва бошқалар); шахс дунёқарашини шакллантириш бўйича (В.И. Блохин, Л.Н. Боголюбов, К.Э.Зуев, Г.В. Клокова, Э.И. Моносзон, В.А. Морозов ва бошқалар) ва таълим жараёнида турли педагогик технологияларни қўллаш муаммолари (В.П. Беспалко, М.В. Кларин, Б.Т. Лихачев, Г.К.Селевко ва бошқалар) томонидан тадқиқ этилган.

Таълим олувчиларнинг касбий дунёқараши тушунчасини очиб бериш: кимёвий билимлар тизимини ва касбий билимлар, муносабатлар, эътиқодлар, инсоний қадриятлар психодиагностика асосида амалга ошириладиган идеаллар, ўкувчиларни ривожлантириш ва педагогик коррекция, ўқитувчилар ва ота-оналарга маслаҳат бериш ва ўқитиш; ўкувчининг касбий дунёқараши таркибий қисмларининг мазмунини аниқлаш: когнитив таркибий қисм, фан ва касбий билимларнинг, қарашларнинг умумлаштирилган тизимини, эътиқодлар, ўкувчилар фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар, тамойилларни ўз ичига олади. Шунингдек, қадриятлар ва идеаллар; амалий таркибий қисм ўкувчининг касбни психологик қўллаб-қувватлашга тайёрлигини, қуидаги йўналишларда касбий фаолиятнинг мақсадлари ва воситаларини танлашни ўз ичига олади: психодиагностика, ўкувчиларни ривожлантириш ва педагогик коррекция, ўкувчилар ва ота-оналарга маслаҳат бериш ва таълим бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ўкувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, фан ва касбий билимларни ўзлаштиришнинг мазмуни ва усулларини касбий ва шахсий ривожланиш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари билан уйғунлаштирадиган технология ишлаб чиқишда ўкувчининг шаклланган касбий дунёқараши мезонлари ва кўрсаткичлари қуидагича аниқланади:

-фан ва муайян касбга оид билимларни назарий ва амалий эгаллаш даражаси билан белгиланадиган касбга тайёргарлик;

-касбий мотивация, унинг кўрсаткичи касбга мотивацион-қиймат муносабати даражаси;

-касбий ва шахсий ўзини-ўзи ривожлантириш, унга эришиш учун зарур бўлган профессионаллик ғояси ва шахсий салоҳият кўрсаткичи кабилар.

Ўкувчиларнинг касбий дунёқараши тушунчасини аниқлаштириш, унинг касбий дунёқараши таркибий қисмларининг таркибини аниқлаш, ўкувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш технологиясини ишлаб

чиқиши, мактаб ўқувчиларининг касбий дунёқарашини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлашни тадқиқот вазифалари этиб белгиладик.

Мактаб ўқитувчиларига ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш учун технологиялар билан таъминлашдир. Ушбу технология ўқитувчилар ва ижтимоий иш учун кўрсатмаларда тавсифланган. Ишда олинган хуносалар мутахассисларнинг касбий фаолиятини яхшилаш учун ишлатилиши мумкин. Шунга кўра:

1. Ўқувчиларнинг касбий дунёқараши, кимёвий билимлар касбий билимларнинг, қарашларнинг, эътиқодларнинг, гуманистик қадриятлар ва идеалларнинг умумлаштирилган тизими асосида ўқувчиларни психо-диагностика қилиш, ривожлантириш ва педагогик коррекция, ўқувчилар ва отоналарга маслаҳат бериш ва таълим бериш амалга оширилади.

2. Касбий дунёқараш, ўкув жараёнини психологик қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ўқувчиларни психо-диагностика, педагогик коррекция ва ривожлантиришнинг касбий вазифаларига тегишли бўлган ўқитувчилар ва отоналарга маслаҳат бериш ва таълим бериш, таълим жараёнини психологик қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги билимларни ўзида мужассам этган, элективли ўкув курси шаклида ташкил этилган мақсадли ўқитиш контекстида энг самарали шакллантирилган. касбий ва шахсий ривожланиш, ўзини такомиллаштириш ва касбий мослашув жараёнлари амалга оширилади.

3. Муаммоли таълим ва ижтимоий-психологик тайёргарлик усулларини қўллаш касбий-шахсий ўзини - ўзи ривожлантириш жараёнини рафбатлантириш касбий дунёқараши шакллантиради.

4. Кластер тизимида электив таълимнинг бутун даври давомида узлуксиз ва кетма-кет равишда ташкил қилинади, чунки у ўкув жараёнини психологик қўллаб-қувватлашга оид касбий эътиқодлар тизимида, ўқувчиларни педагогик ташхислаш, ривожлантириш ва педагогик коррекция орқали очилади.

ўқитувчилар ва ота-оналарга таълим бериш, касбий йўналтириш жараёнларининг бирлигини таъминлайдиган шароитлар ўқувчиларнинг мустақил ривожланиши учун шароит яратади.

Муаммони ҳал қилиш учун ўрганилаётган тушунчани фалсафий тушуниш услугбий жиҳатдан муҳимдир, чунки “фалсафа дунёқарашнинг асосидир, илмий дунёқараш эса таълим кўрсаткичидир” .

Ушбу масала бўйича катта миқдордаги адабиётлар таҳлили, ички ва ташқи фалсафада синчковлик билан кўриб чиқилганига қарамай, дунёқарашнинг таърифи, тузилиши ва мезонларини баҳолашда консенсус йўқлигини кўрсатди.

Кўплаб илмий манбаларда, дунёқараш- умумий қарашларнинг умумлаштирилган тизими, дунёдаги индивидуал ҳодисаларнинг тутган ўрни ва ундаги ўзига хос нуқтаи назар, шахснинг ўз фаолияти ва инсоният тақдирини тушуниши ва мустақил баҳоси, одамларнинг илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик эътиқодлари ва идеалларининг умумийлигидир, дейилган. Замонавий файласуфлар томонидан дунёқарашни тушуниш нафақат назарий-маънавий, балки ҳақиқатга назарий-маънавий бўлмаган муносабат билан ҳам мос келади.

В.Ф. Черноволенконинг фикрига кўра, дунёқарашни инсоннинг дунёга амалий ва назарий муносабати, унинг атрофидаги воқеликни кўриш, тушуниш ва баҳолаш қобилиятини очиб берадиган ҳақиқат тўғрисидаги буни билим ва амалиётнинг ўзига хос тарихий мавзуси сифатида умумлаштирилган билим ва ғоялар тизими, эътиқод ва идеаллар тизими сифатида аниқлаш мумкин .

Мактабда ўқувчиларнинг касбга йўналганлигини таъминлашнинг аспектларидан бири сифатида, уларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, қўйидаги вазифаларни кўриб чиқиши талаб қиласи: касбий психологик ва педагогик дунёқарашни шакллантириш мезонлари ва даражаларини танлаш.

Илмий дунёқарашнинг шаклланиш даражаси мезонларини аниқлаш психологик-педагогик тадқиқотларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир,

чунки бу дунёқарашнинг таркибий элементларининг сифат ва миқдорий ҳолатининг энг тўлиқ тасвирини олишга имкон беради.

Энциклопедик лугатда "мезон" деганда, "бирор нарса баҳоланиши, таърифи ёки таснифи қилинадиган белги"си тушунилади; баҳолаш ўлчови эса, "Бу маълум бир стандарт, индикатор бўлиб, биз касбий психологик ва педагогик дунёқарашнинг шаклланишига баҳо бера оламиз. Ҳар бир мезон ташхис қилинган ҳодисанинг зарурий намоён бўлишини қўрсатадиган бир қатор кўрсаткичларга эга. Бизнинг ишимизда мезон белги сифатида кўриб чиқилади, унинг асосида касбий дунёқарашнинг таркибий қисмларида юз берадиган ўзгаришлар аниқланади ва бу ўзгаришларни баҳолайди.

"Индикатор" тушунчаси С.И.Ожегов лугатида, у "... бирор нарсанинг ривожланиши ва ривожланишини баҳолайдиган нарса" деб талқин этилади.

Ўкувчи шахсининг касбий дунёқараши масаласини кўриб чиқища унинг ривожланиш даражасини баҳолаш мумкин бўлган кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш жуда муҳимдир. Дунёқараш ҳар доим индивидуал тушунча бўлганлиги сабабли, бундай кўрсаткичлар қўп бўлиши мумкин. Амалиёт эса ўкувчилар ўртасида касбий психологик ва педагогик дунёқарашнинг шаклланиш даражасини аниқлаш учун илмий асосланган мезонларни танлашни талаб қиласди.

Махсус тадқиқотлар таҳлили ушбу муаммони ҳал қилишда ягона ёндашув йўқлигини кўрсатади.

Таълим назарияси ва амалиётида мезонларни асослаш учун умумий талаблар мавжуд (Н.Б. Крилова, С.Г. Спасибенко):

-мезонлар шахсиятни шакллантиришнинг умумий шаклларини акс эттириши керак;

-мезонлар ўрганилаётган тизимнинг барча таркибий қисмлари ўртасида муносабатларни ўрнатиши керак;

-сифат ва миқдорий кўрсаткичлар ижодий фаолият ўлчовини акс эттириши керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўп уринишларга қарамай, дунёқарашни шакллантириш учун ягона, умумэътироф этилган мезонлар тизими мавжуд эмас. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз:

Н.Г.Огурцов дунёқарашни шакллантиришнинг учта мезонини белгилайди:

1.Интеллектуал-мантиқий, бу дунёқарашнинг мазмунли томонларини билишнинг тўликлиги, ҳажми, илмий, тизимли, далил, мустаҳкамлик каби хусусиятлари ёрдамида билиб олишга имкон беради;

2.Ўкувчининг эгаллаб олинган билимларга бўлган муносабатини ифодаловчи ҳиссий-ихтиёрий: қизиқиши ва уларга ишониш, ҳиссиёт ва сўз эркинлигига намоён бўлган олинган билимларни қўллашга интилиш;

3.Фаол, турли хил тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўкувчининг ижтимоий фаоллиги кўрсаткичлари “билим, меҳнат, ижтимоий-сиёсий, ташкилий” тўпламини ўз ичига олган.

И.Я.Лернер дунёқарашни шакллантириш тизимининг бир оз фарқли кўрсаткичларини таклиф этади:

-дунёқараш олинган билимлар миқдори ва ундан фойдаланиш қобилияти; бу ҳажм қанчалик катта бўлса, уларни қўллаш доираси кенгроқ, билимлар ва улар акс эттирган воқелик ҳодисалари ўртасидаги боғлиқлик қанчалик чуқурроқ бўлса, инсоннинг дунёқарашининг назарий даражаси шунчалик юқори бўлади;

-билимни шахсий муносабат, шахснинг позициясига айланган қадриятлар ва хаёт принциплари билан ўзаро боғлаш; қадриятлар, эътиқодлар, тамойиллар тизимининг барқарорлиги, дунёқараш билимларини қўллаш йўналишидир;

-ўкувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантиришни ривожлантиришни акмеологик технологияларнинг назарий асослари белгилайди. Дарҳақиқат, таълим олувчиларнинг интеллектуал ва касбий

ҳаракатчанлигига бугунги кунда жамият томонидан қўйилган талаблар акмеологик даражада ўқув жараёни иштирокчиларининг ривожланиши ва ўзини ўзи ривожлантириш қонуниятларини ўрганиш, акмеологик ўқитишнинг янги технологияларини излаш ва ривожлантириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Дунёқараш - дунёни ва унинг таркибидаги шахснинг қарашлари, баҳолари ва мажозий ифодалари тизими, инсоннинг атрофдаги воқеликка ва ўзига бўлган муносабати, шунингдек, одамларнинг асосий ҳаётий позициялари, уларнинг эътиқоди, ғоялари, билиш ва фаолият принциплари, ушбу қарашлар билан белгиланадиган қадрият йўналишлари тизимиdir.

*Шахсда дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиши ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади*

Касбий дунёқарашни шакллантириш муаммоси шахсият, дунёнинг илмий манзараси, ўрганилаётган билиш методологияси файласуфлар П. Алексеев, В. Андрушченко, Л. Губерский, И.Добронравова, С. Кириленко, И. Лакатос, Г. Платонов, А. Спиркин ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш масаласи олимлар А. Бугаев, М. Головко, С. Гончаренко, Л. Зориналарнинг тадқиқотларида акс этган.

С.Коршак, А.Ляшенко ва бошқаларнинг бугунги кунда дунёқарашни ўрганишга бағишлиланган илмий изланишлар мавжуд бўлсада, бу масала ҳозирда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Кўпчилик олимлар Бабанский Ю.К., Галперин П. Д, Лернер И.Я., Маҳмутов М.И., Тализина Н.Ф. ва бошқалар томонидан ўқув мақсадларини белгилаш усуллари, шакллари бўйича илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, замонавий дарснинг таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчи шахсини

камол топтириш мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш йўллари бўйича маълум даражада назарий ва амалий маълумотлар мавжуд.

Кимё фанини ўқитища таълим олувчиларни касбий фаолиятга йўналтиришни ташкил этишда, ҳар бир ўқув машғулоти учун педагогик мақсадлар аниқ ишлаб чиқилиши лозим.

Педагогик мақсад - бу педагог ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти натижасини олдиндан тасаввур этишидир. Педагогик жараён, ўзининг қанчалик мураккаблиги ва давомийлигидан қатъий назар, у энг аввало мақсадни аниқлашдан бошланади. Педагогик жараённинг бошқа ташкил этувчи қисмлари (тамойил, мазмун, услуб, восита, шакл) белгиланган мақсадга бўйсунадилар. Улар мақсадга мувофиқ ҳолда танланадилар ва ўзаро уйғунлаштириладилар.

Педагогик жараённи ташкил этувчи қисмларнинг энг муҳими, етакчиси бўлган ўқув мақсадларини инфокоммуникация орқали қўйиш ва амалга ошириш замонавий педагогик усул бўлиб, ўқитувчи дарс якунида қандай натижага эришишни, янги мавзуни ахборот технологиялари воситасида тушунтиришни, мазмунни ўзлаштирилишини ва бунинг натижасида ўқувчилар уни амалда қуллай олишларига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Педагогик амалиётда мустаҳкам ўрин олган ўқув мақсадларини аниқлашнинг қўйидаги анъанавий усуллари мавжуд:

1. Мақсадларни ўрганиладиган ўқув материалининг мазмуни орқали аниқлаш.
2. Ўқув мақсадларни ўқитувчи фаолияти орқали аниқлаш.
3. Ўқув мақсадларини ўқувчининг интелектуал, ҳиссий соҳага оид ички ривожланиш жараёнлари орқали аниқлаш.
4. Ўқув мақсадларини ўқувчилар ҳатти-харакати ва фаолияти орқали белгилаш.

Ўқув мақсадларини ўта аниқ белгиланиши, унга эришганликни яққол назорат қилишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида ўқувчи шахсини

ривожланиб бораётганлик даражасини ҳамда ўқитувчи фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилиш демакдир.

Фикримизча, ўкув фани мақсадларини ахборот технологиялари воситасида асосида аниқлаштириш ва амалга ошириш босқичма-босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Биринчи босқичда кимё фанини ўқитилишининг умумий мақсади аниқланади, иккинчи босқичда эса кундалик ва жорий ўкув фаолиятининг мақсадлари аниқланади. Қисмларга ажратиб аниқлаштирилган ва амалга оширилган ўкув мақсадлари жадвал шаклида расмийлаштирилади: устунда фаннинг бўлимлари, қаторда эса ўкувчининг бу бўлимларни ўзлаштиришдаги интеллектуал фаолиятининг асосий турларининг электрон шакллари ва вариантлари тайёрланиб компьютер хотирасига жойлаштирилади. Ўкув мақсадларига эришганликни аниқлаш электрон баҳолаш усулида амалга оширилиши мумкин. Ўкув мақсадларининг ва ўкув жараёнининг электрон шаклда ташкил этилиши ва натижаларнинг электрон усулда аниқланиши иш услубини тезлаштиради ва фаоллаштиради. Шунингдек ҳар бир босқичда касбий фикрлашни ривожлантириш амалга ошириб борилади.

### **§1.3. Ўкувчиларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш усуллари тизими**

Маълумки, бирор кишининг касб танлаши ва унга мос касбни танлашга ёрдам бериш муаммоси шахс ва жамият ривожланиши эҳтиёжларига боғлиқ.

Касбни танлаш муаммоси нуқтаи назаридан, танлаш босқичлари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва инсоннинг касб ва мутахассисликни эркин танлаш хуқуки, иш берувчининг шахсий, шу жумладан касбга оид аҳамиятлилиги, фазилатлари ва меҳнат бозорининг талабларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни танлаш хуқуқига мантиқий мос келганда бўлади.

Мактабда олиб борилган касбий маслаҳатларнинг самарадорлиги инсоннинг меҳнат жараёни ва ундан хабардорлиги кенглиги ва чуқурлиги билан белгиланади. Ушбу билим мактабда дарсларда, шунингдек, тўгаракларда дарсдан ташқари ва бўш вақтларда олинади, ҳамда бунинг натижасида шахснинг муайян касбга мойиллиги ошиб боради. Ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнини уларнинг касбий-меҳнат соҳасига муносабатини ва шахсни шакллантириш жараёни ички ва ижтимоий касбий эҳтиёжлар ва ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши мумкин.

70-йилларда касбга йўналтиришни амалга ошириш, 80-йиллар касбий фаолиятнинг назарий асослари бўйича маслаҳатлар ташкил этиш, (Э. А. Климов), ёшларни касбга йўналтиришда меҳнат таълими ўрни ва аҳамияти (П. Р. Атутов, В. А. Поляков), мактаб ва оиласининг мувофиқлаштирилган ўзаро таъсири билан ўқувчиларнинг касбий йўналтириш афзалликлари ва хусусиятлари (Л. В. Ботякова, М.С.Савина) каби тадқиқотлар амалга оширилиб ҳаётга татбиқ этилган.

Касбий муносабатларни шакллантиришда ўз-ўзини бошқара олиш, ўз фаолиятининг субъектига айланиш жараёни муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари таълим оловчини қандай қилиб касбий-маданий фаолиятга йўналтириш мумкин, ишонтириш, ишончни оқлаш, ўзгаларга нисбатан ишончни юзага келтириш масалалари ўта муҳим саналади.

Муносабатларнинг моҳияти ривожида ўқувчининг касбий-маданий муносабатлари бевосита икки хил қўринишда амалга оширилади.

1. Индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ бўлган муносабат.

2. Касбий – маданий мақсадларга қаратилган муносабат.

Бунда, ўқувчининг индивидуал (якка тартибдаги) хусусиятлари, аввало унинг характеристи, диққати, хотираси, иродавий сифатлари билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Психолог бундан ташқари шахсларнинг соғлиги, ижтимоий

келиб чиқиши ва оилавий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган хусусиятларини, албатта назарда тутиш лозим.

Касбий-маданий мақсадларга қаратилган муносабатда ўқувчининг касб танлаш мотивлари, унинг ўсиб бориши динамикасига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўқувчиларда муайян касбга бўлган муносабатларни шакллантиришда ижобий ўзгаришларга эришиш, ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши динамикаси билан боғлиқ.

Касбий-маданий муносабатларни амалга ошириш педагогик таълим-тарбиявий ишларни тўғри режалаштира олиш, ота-оналар билан ўзаро муносабат ўрната олиш, ўзининг касб-фаолиятини тўғри таҳлил этиб, янгиликка ва ижодкорликка интила бориш билан боғлиқ. Касбга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишда:

- Муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга ва касб танлашга бўлган ижтимоий ёки шахсий эҳтиёжларнинг юзага келиши;
- Муайян соҳага оид назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан эҳтиёжини юзага келиши;
- Ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти мазмунини белгилаш;
- Ўқувчини билиш фаолиятини йўлга қўйишида касбга қизиқтириш омилларининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга (1.3.1- расм).



1.3.1-расм. Таълим жараёнини ташкил этиш шартларининг умумий тузилмаси.

Юқорида қайд этилган омилларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнида, муайян фанни ўқитиш давомида амалга оширилиши лозим. Шунингдек, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари мазмунини янада бойитади. Шу сабабли дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишини мазмунини танлаш мезонлари, ва унинг устувор вазифалари, ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари мазмуни ишлаб чиқилди (1.3.2- расм). Унга асосан, ўқувчиларда касбий-маданий муносабатларни, касбга йўналтиришни самарали амалга ошириш, унинг фикрлаш жараёнини маҳсулдорлиги билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, унинг қуидаги омилларнинг таъсири натижаси сифатида қараб чиқамиз.

**Вақт омили.** Реал фикрлаш жараёни етарлича катта вақтни эгаллайди (фикрлашни тадқиқ қилишдаги қийинчиликлар айнан ана шу омил билан боғлиқдир). Фикрлаш жараёни узилиши, аниқ масалани ечиш жараёни

англаидиган ҳолдан англамайдиган ҳолга күчиши (“йўқолиши”) мумкин ва баъзан кўп вақтни олади ҳамда қийинчилик билан шакллантирилади.



2-шакл. Касбга йўналтириш ишини мазмунини танлаш мезонлари

**Натижа омили.** Реал фикрлаш жараёни натижаси унинг ичида ҳам унинг атрофида ҳам субъектга, бевосита берилган эмас. Акс ҳолда мазкур натижани қидириш бўйича фикрлаш жараёни рўй бермаган бўлар эди.

**Мазмун омили.** Мазмун-деганда инсон олдида турадиган вазифа тури тушунилади. Булар қўпинча қисман вербал, қисман вербал бўлмаган мураккаб таркибдаги масалалар хисобланади. Кўпинча соф интеллектуал компонентлардан ташқари реал фикрлаш масалаларига ижтимоий, эмоционал компонентлар ҳам киритилади.

**Жараён омили.** Бу омил маълум даражада вақт омили билан боғлиқ ва фикрлаш жараёни объектив мураккаб бўлиб, таҳлил, синтез, абстрактлаштириш ва умумлаштиришдан иборат.

Атроф мұхит омили. фикрлаш жараёни фақат конгнитив ва шахсий фазодангина ўтмасдан (фикрлаш билан бошқа билиш жараёнлари, субъектнинг шахсий тавсифлари, унинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ўзаро таъсирашади), балки реал табиий мұхитда ҳам ўтади.

Психологияда фикрлаш объектив борлық билан ўзаро таъсирашувчи субъектнинг фаолияти сифатида тушунилади. Бу ҳақда С.Л. Рубинштейн бундай деган: “Фикрлаш жараёни бу энг аввало таҳлил натижасида ажралиб чиқадиган нарсаларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш, бу сўнгра уларнинг ҳосиласи бўлиб ҳисобланган абстракция ва умумлаштиришdir. Бу жараёнларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатларидағи қонуниятлари фикрлашнинг асосий ички қонуниятлари моҳиятидир” .

Фикрлашни ташкил этувчи қуйидаги фикрлаш операцияларининг мазмунини караб чикамиз.

Таҳлил бир-бирини тўдлирувчи боғлиқликларни бўлакларга ажратиш, нарсаларнинг “ички” мұхим хоссаларини уларнинг қонуний ўзаро алоқасида намоён қилишдан иборат.

Синтез қилиш воситасида абстракт қоидалардан аниқ қоидаларга тескари ўтиш амалга оширилади. Ҳар қандай нисбат, таққослаш, турли хил элементлар орасида алоқа ўрнатиш синтез ҳисобланади.

Таҳлил ва синтез- бу ягона фикрлаш жараёнининг икки томони ёки икки жиҳатидир. Улар ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартлашишган. Таҳлил ва синтез асосий фикрлаш операциялари бўлиб ҳисобланади, чунки бу операциялар ҳар қандай фикрлаш амалини ўз ичига олади.

Умумлаштириш - бу мантикий усул бўлиб, унинг воситасида яккалиқдан умумийликка хаёлан ўтиш амалга оширилади.

С.Л. Рубинштейннинг таъкидлашича: «Фикрлаш умумлаштиришларда амалга оширилади ва янада юқорироқ тартибдаги умумлаштиришга қадар олиб боради» [101, б-113]. Умумлаштириш элементтар ва илмий шаклларга ажралади.

Бунда умумлаштиришнинг элементар шакллари, у таъкидлаганидек, назарий таҳлилга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитиша умумлаштириш анъанавий педагогик - психология ва дидактика фикрлашнинг эмпирик фикрлаш учун хос бўлган умумлаштириш кўринишини абсолютлаштиришни, худди шунингдек бу умумлаштиришнинг назарий материални ўзлаштиришда таълим олувчининг дуч келадиган типик қийинчиликлар билан чекланган алоқасини ифодалайди, у буюмларнинг муҳим хоссаларини таҳлил қилиш ва абстракциялаш воситалари билан амалга оширилади. Шунингдек, таққослаш, аниқлаштириш, таснифлаш ва тартибга солиш ҳам фикрлашнинг асосий операциялари хисобланади. Таҳлил ва синтезнинг бирлиги таққослашда аниқ намоён бўлади.

Таққослаш-бу таҳлил бўлиб, у синтез воситасида амалга оширилади ва умумлаштиришга, янги синтезга олиб боради. Аниқлаштириш-абстракт нарсани аниқ намоён бўлишда кўриб чиқиши назарда тутади ва ҳар доим ҳам яна таҳлил ва синтез операцияларини ўз ичига олади. Таснифлаш - деб, бирлик объект ёки жиҳозларни кўринишга, жинсга ёки синфга мансуб қилишга айтилади. Таснифлаш тартибга солиш билан яқин боғланган. Аммо, агар таснифлаш бирлик объект ёки ҳодисанинг маълум бир турга мансублигини ўрнатса, у ҳолда тартибга солиш объектлар ёки ҳодисаларнинг бутун бир грухини ташкил этади. Фикрлаш жараёнида маълум бир амаллар яъни, таҳлил, синтез, умумлаштириш амалга оширила борсада, аммо улар индивидда генерацияланиб ва мустаҳкамланиб боргани сари қобилият каби фикрлаш шаклланади, интеллект намоён бўлади.

Хозирги пайтда психологияда фикрлашнинг турли хил таснифлари мавжуд бўлиб, улар асосан назарий ва амалий фикрлашга бўлинади.

С.Л.Рубинштейн назарий фикрлашдан амалий фикрлашни ажратиб олади ва уни амалий фаолият давомида амалга ошириладиган ва амалий масалаларни ҳал қилишга бевосита йўналтирилган жараён деб тушунади. Шу билан бир вақтда мавҳум назарий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган, фақат

амалиёт билан бевосита боғланган амалий фаолиятдан ажратилган фикрлаш назарий фикрлаш деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, унинг фикрига кўра, амалий ва назарий фикрлаш улар олдига қўйилган вазифалар билан фарқланар экан. Бунда айрим ҳолларда: “амалий фикрлаш, яъни амалий фаолиятга киритилган фикрлаш у ечиши тўгри келадиган масалаларнинг хусусиятига кўра фойдаланилиши, мавхум назарий фаолият натижаларини ҳам фойдаланиш керак. Назарий фикрлаш компонент сифатида кирадиган амалий фикрлашнинг мураккаб шаклидир.

Л.С. Выготский фикрлашнинг қуйидаги таснифини келтирган: образли, яққол-образли ва яққол-тасвирили.

Образли фикрлаш – бу объектларнинг (уларнинг қисмлари, жараёнлари, ҳодисалари) муҳим хоссаларини ва уларнинг тузилмавий ўзаро алоқаси моҳиятини акс эттиришга йўналтирилган билиш фаолияти жараёнидир.

Яққол-образли фикрлаш- идрок қилиш образларини тасаввур қилиш образларига ўзgartиришни, борлиқни образли- концептуал шаклда аксланишини шакллантирувчи тасаввурларнинг предметли мазмунини бундан кейин ўзgartириш, алмаштириш ва умумлаштириш асосида амалга ошириладиган фикрлаш тури. Бу турдаги фикрлашнинг муҳим фарқ қилувчи жиҳати шундан иборатки, ундаги фикрлаш жараёни фикрлаётган инсоннинг атроф-борлиқни идрок қилиши билан бевосита боғлиқ ва усиз амалга ошиши мумкин эмас. Инсон яққол-образли фикрлаб, образлар билан фикран манипуляция қилиб, масаланинг ечилишини бевосита кўриши мумкин.

Яққол- таъсирчан фикрлаш - бу фикрлаш кўникмаларидан бири бўлиб ҳисобланади реал объектлар билан бевосита ўзаро таъсир, унинг моҳиятининг хоссалари ва муносабатларини аниқлаш бошланадиган. Унда борлиқни умумлаштирган ҳолда акс эттириш учун бошланғич ва дастлабки асос қўйилади. Унинг хусусияти шундаки, бунда фикрлаш жараёни инсоннинг реал предметлар билан амалга ошириладиган амалий ўзгартирувчи фаолиятини ифодалайди. Фикрлашнинг бу тури реал ишлаб чиқариш - политехник меҳнат

билин банд инсонларда кенг ифодаланган бўлиб, унинг натижаси бирор-бир техник объектни яратиш ҳисобланади.

Фикрлашнинг навбатдаги таснифи - бу продуктив ва репродуктив фикрлашдир. Бу ерда, ўқувчилар нафақат, касблар обьектларининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши, балки мустақил фикрлаши, кимёвий билимларни ўзлаштиришда касбий политехник фикрлаши ҳам унинг бошқа турлари каби продуктив ва репродуктив бўлиши мумкин. Репродуктив фикрлашда субъект унга таниш бўлган амалларни таниш бўлган материал билан амалга ошириб, таниш натижаларга эришади ёки унга маълум йўллар билан янги натижаларни қўлга киритади. Продуктив фикрлашнинг репродуктив фикрлаш билан таққослангандаги ўзига хос хусусияти бўлиб янги билимларни мустақил кашф этиш имконияти ҳисобланади. Аммо, бу билимлар субъектив янгиридан. Субъективлик янги ўқув масалаларини ечиш жараёнида вужудга келади. Уларнинг натижаси эса шу одамга аввал номаълум бўлган, лекин ижтимоий тажрибада бу кашфиёт мавжуд бўлган, янги билимни олиш ҳисобланади.

С.Л.Рубинштейннинг умумий психологик фикрлаш назариясига мувофиқ фикр қилиш жараёни - бу аввало таҳлил натижасида ажратиб олинадиганларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш, кейинчалик эса уларнинг ҳосиласи ҳисобланган абстракция ва умумлаштиришдир. Фикрлашнинг ҳар хил турларини кўриб чиқишида С.Л. Рубинштейн чиқарган хulosा жуда муҳимдир, чунки бу хulosा фикрлашнинг турли хил кўринишларининг, шу жумладан касбий фикрлашнинг ҳам мавжудлигини изоҳлайди: “Турли хил фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари турли хил кишиларда аввало, улар ҳал этадиган масалаларнинг ўзига хослигига асосланади, улар шунингдек фаолиятлар хусусиятларига боғлиқ ҳолда уларда қарор топадиган шахсий хусусиятларга ҳам боғлиқ”.

Бизнинг фикримизча кўра Кимё фанини ўқитишида касбий политехник фикрлашга эришиш касбий фаолият турларга киргани учун амалий фикрлашнинг (назарий фикрлашга қарама-қарши) бир тури деб ҳисоблаш мумкин ва у қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: касбий фаолиятга

асосланган турли хил масалаларни ечишнинг зарурлиги; дастлабки вазиятнинг юқори даражада ноаниқлиги; яширин мураккаб жараёнларнинг кўрсаткичи бўлган хусусий деталларга нисбатан қузатувчанлик даражасига юқори талаблар; мумкин бўладиган ечимлар вариативлигининг юқори даражаси; амалий масалаларни ечишда бутун ечиш йўлини олдиндан кўра билиш умуман шарт эмас, чунки биринчи босқичнинг амалга оширилиши кейинги босқич масаласини аниқлаштиришга имкон беради; фикрлашдан амалий ишга тез ўтиш ва аксинча ишни бажариш қўникмасининг юқори даражада бўлиши, чунки фикрлаш амалий фаолиятга сингиб кетган ва вақт жуда камлиги шароитида амалга ошириладиган ҳал қилиш жараёни бевосита текширилади.

Касбий политехник фикрлашни шаклланиши мураккаб жараён ҳисобланади ва секин кечади ҳамда инсоннинг умумий интеллекти, амалий қўникмалари, қобилияtlари ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам касбий фикрлашнинг мазмуни ва тузилмасини тадқиқ қилиш тизимли ёндашувни талаб этади. Ана шундан келиб чиқсан ҳолда, биз ўқувчиларда шаклланадиган касбий фикрлаш жараёнини бир бутун, бир қатор ўзаро боғланган ташкил этувчиларга эга, барқарор ўзаро таъсирланувчи ва teng ҳуқуқли бирликни ташкил этувчи тизим сифатида тасаввур этдик.

Тизимли ёндашувни қўллаш яхлит тизим сифатида касбий фикрлаш қўникмаси тузилмаси моҳиятига чукур кириб боришга имкон беради. Бизнинг тадқиқотимизда тизимли ёндашув касбий фикрлаш қўникмаси компонентларининг ўзаро бири-бирига боғликлигини ва уларнинг муайян касбий объектлар билан фикрий операцияларни амалга оширишдаги ролини очиб беришга имкон беради.

Амалий компонент олинган ечимни амалда текшириб қўришни, шунингдек меҳнат қуроллари, материаллар, технологияларни билишни ва уларни ишлатиш бўйича конструктив қўникмалар мавжудлиги назарда тутади. Амалий компонентнинг методологик аҳамияти шундан иборатки, фундаментал билимлар ва илмий политехник билимлар назарияси асосан, амалий

фаолиятдаги умумлаштирилган маълумотларган таянган ҳолда шакллантирилади.

Т.В.Кудрявцев касбий политехник фикрлашнинг назарий ва амалий компонентлари биргаликда унинг назарий амалий компонентини ташкил этади деб таъкидлаган. Назариядан амалиётга ва аксинча ўтишнинг тезкорлиги ва осонлиги, назарий режада ҳаракатланишга қобилиятилийк, амалий режада ҳаракатланишга қобилиятилик касбий политехник фикрлашнинг ушбу компонентининг фаол, ижодий тавсифга эканлигидан гувоҳлик беради.

Кимё фанини ўқитиш бўйича ташкил этиладиган ўқув жараёнининг асосий ташкил этувчиларидан бири бу лаборатория амалиёти ҳисобланади. Лаборатория амалиётини бажариш жараёнида нафақат аниқ ва табиий фанлар доирасида, балки турли обьектлар билан ишлаш жараёнида амалий ҳаракатларни бажариш кўникмаси шаклланади. Лаборатория амалиётини бажариш жараёнида қўлланиладиган билимлар, кейинчалик касбий фанлар бўйича ишлаб чиқаришда кимёвий масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Буларнинг барчаси сўзсиз касбий фикрлашнинг амалий компонентини шакллантиришга имкон беради.

Кимё фанини ўқитишда касбий политехник фикрлашни тизим сифатида қараш учун тузилманинг ҳар бир компонентини тадқиқ этиш, тавсифлаш ва уларнинг ўзаро алоқалари ҳамда бир-бирига боғлиқликларини аниқлаш зарур.

В.Н.Максимованинг фикрига кўра, касбий политехник фикрлаш илмий-техник билимлар тизимига, ишлаб чиқаришнинг умумтехник тамойилларига, политехник кўникмаларга, конструкторлик малакаларига асосланган. “Бу билимларнинг мазмуни техник тушунчалар таркибида дастлабки кўринишида сақланиб қолмайди, балки мазкур политехник тушунчада хоссалари мустаҳкамланиб қолган обьектларни ҳисобга олган ҳолда шакли ўзгаради, трансформацияланади” .

Кимёвий билимлар асосида касбий дунёқараашни шакллантириш жараёнини тадқиқ этиш, тизимли ёндашув ривожининг ҳозирги шароитларида касбий политехник фикрлаш тузилмаси таҳлилини ўтказиш, шунингдек Т.В.Кудрявцев томонидан аникланган компонентларни яхлит тизим сифатида кўриб чиқиши ёки политехника оламида туб ўзгаришлар юз бергани туфайли касбий политехник фикрлаш тузилмасини фан-политехника ривожининг ҳозирги даражасига мос келадиган яхлит тузилма сифатида қараб чиқиши мумкин бўлиши учун касбий политехник фикрлаш тузилмасини бойитиш зарурлигини такозо этмоқда. Сўнгра тизимли ёндашувга таяниш янги сифатни очиш мақсадида аникланган касбий политехник фикрлаш тузилмасининг барча компонентларини ривожлантириш учун воситалар ишлаб чиқиши зарурлигини кўрсатади.

В.Д.Шадриковнинг фикрича айнан мотив ва мақсадлар фаолиятнинг, айниқса ижодий фаолиятнинг йўналишини белгиловчи йўналиши ҳисобланади.

Chamorro-Premuzic, Furnham A, Zhang L. каби чет эл олимларининг ўтказган тадқиқотлари натижасида, шахс ривожини башорат қилиш, шахсга йўналтирилган таълим методлари ёрдамида салмоқли натижаларга эришиш, турли ёндашувлар ва усуллардан тўғри фойдаланиш самарасини исбот қилишган [илова-7]

Фан, техника ва технологиянинг жадал ривожланиши билан бугунги кунда изланиши – операционал фаолият касбий фаолиятнинг асосий турларидан бирига айланмоқда. Шу сабабли, ўқувчиларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқараашни шакллантиришнинг қуйидаги усуллари тизимини жорий этишни таклиф этамиз:

1.Фаннинг ўқув мавзулари бўйича дарс мақсадларини анъанавий (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) шаклларини янада такомиллаштирган ҳолда (когнитив, психомотор, аффектив) қўллаш;

2. Ўқувчиларда касбий-маданий муносабатларни шакллантириш;
3. Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларида фанларни ўқитишда касбий йўналтирилган таълимни жорий этиш (тадқиқот ишимизда, кимё фани мисолида);
4. Кимё фанини ўқитишда ўқувчиларда касбий политехник фикрлашни шакллантириш;
5. Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, фан ва касбий билимларни ўзлаштиришнинг мазмуни ва усулларини касбий ва шахсий ривожланиш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари билан уйғунлаштирадиган технология ишлаб чиқиши
6. Кластер тизимида электив таълимни ўқитишнинг бутун даври давомида узлуксиз ва кетма-кет равищда ташкил қилиш ва бошқалар.

Баркамол авлод камолоти ғоясини турмушга татбиқ этиш учун миллий маънавият, миллий таълим ва тарбия муаммоларини хал қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Маълумки, таълим-тарбия онгнинг маҳсули ва онгнинг даражаси бўлиши билан бирга онгнинг ривожланишини ҳам белгилайдиган омилдир. Шу боис мамлакатимизда зукко, зеҳнли, интеллектуал потенциалга эга, ўзида мукаммал касбий дунёқарааш ва бой маънавиятни мужассамлаштирган салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни жаҳон хамжамиятида рақобатбардошлигига эришиш мақсад қилиб қўйилган.

XXI асрда ўқувчиларда касбий дунёқарашини муваффақиятли шакллантириш турмуш тажрибаси ва интуицияга асослана олмайдиган мураккаб жараён бўлиб, нафақат инсоннинг умумий интеллектига, таълимнинг касбий йўналганлик даражасига ҳам боғлиқ. Бу эса янги таълим шароитларида ўқувчиларда касбий дунёқарашини шакллантириш муаммосини янада долзарблаштиради.

Касбий дунёқарашининг шаклланишини белгиловчи таълимий ресурсларга ўқувчиларнинг политехник қобилияtlарни ривожлантириш

воситалари, технологиялари, методикалари, усуллари ва мухитлари ҳамда уларнинг шаклланишининг даражасини баҳолашга имкон берувчи ташхислаш воситаларини киритамиз.

Касбий политехник фикрлаш қўникмасининг шаклланиши, ўзаро боғлиқ ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён бўладиган шахсий сифатларга эга қўйидаги политехник қобилиятлар билан бирга кечади: политехникани тушунишга, политехника билан муносабатга киришишга, политехник буюмларни тайёрлашга, политехник кашфиётчиликка қобилиятлар. Политехник тушуниш – бу фазовий моделларни тўғри идрок этиш, уларни таққослаш, таниб олиш ва фарқлаш қобилияти. Ушбу икки омилга мувофиқ бугунги кунда, касбий политехник фикрлаш шаклланиш даражасини аниқлашга имкон берадиган ташхислаш тестларидан фойдаланиш мумкин.

Касбий политехник фикрлаш қўникмаси шаклланишига кўмаклашувчи таълим ресурсларини тадқиқ қилиш Т.В.Кудрявцев томонидан турли хил категориядаги таълим олувчилар–ўқувчилар, муҳандислар, конструктор-ларни кузатиш жараёнида амалга оширилган. Политехник ва конструктив схемалар асосида касбий политехник фикрлашни шакллантириш ресурсларида муаммо масалаларни ечиш таълим ресурсларига мурожаат қилиб, асосий диққат эътиборни конструктив –политехник масалаларни ечиш ва таълимнинг кўргазмали воситаларига қаратган.

Касбий политехник фикрлаш қўникмасини ривожлантиришни таъминловчи воситаларга шунингдек ўйинли вазиятлар ва касбий йўналтирилган ўйинларни киритиш мумкин.

Л.В.Занфирова ўқувчиларда касбий политехник фикрлаш қўникмасини самарали шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи ва касбий политехник фикрлаш компонентларини шакллантириш усуллари тизимини (тушунчали, образли, ва амалий) ифодаловчи ва унинг сифат характеристикалари (интегративлик, оперативлик, ижод ва рефлексивликнинг зарурый даражаси) ни ўзида ифодаловчи педагогик таъсирларни ўз ичига олган

интегратив дастурни ишлаб чиққан. Унинг фикрича, ўқувчиларда касбий политехник фикрлашни шакллантириш бўйича олиб борилган фаолияти фақат жараённинг барча иштирокчиларининг ҳаракатларини аниқ мувофиқлаштириш таъминлаганда самарали бўлиши мумкин.

Ю.В.Худошинанинг фикрича касбий политехник фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш учун мажмуавий таълим ресурслари - фанлараро ўқув-билиш масалалари зарур. Бундай масалалар мажмуаси таниб олиш ва такрор ишлаб чиқиш, таққослаш ва умумлаштириш, интерпретациялаш ва валидлаш, креатив ечимга йўналтирилган масалаларни ўз ичига олади. Шунингдек, муаллиф томонидан когнитив ва фаолият мезонларини ўз ичига олган ташхислаш мезони ишлаб чиқилган.

Когнитив мезон ўқувчилар жавобида политехник ва технологик билимлар жалб этилиши тўлиқлигини, тушунчалар аниқлигини, фикрларнинг мустақиллиги ва исботлилигини аниқлайди. Ўз навбатида фаолиятли мезон касбий таъсирлар (политехник ва технологик билимларда ҳаракатларнинг йўналтирувчи асоси мавжудлиги), таъсирларнинг мақсадга мувофиқлиги (мазмuni бўйича топшириқда тақдим этилган мақсадлар мажмуасига мослиги), таъсирларнинг оригиналлиги (янгилик мавжудлиги, шаблон ва формализмнинг йўқлиги) ни характерлайди.

Ўқувчиларда фикрлаш фаолиятини ошириш ёки фаоллаштириш учун уларни кимёвий реакцияларни тузиш, масалалар ечишга қизиқтириш (кўргазмали расмлар, графиклар, хаётий кўргазмали расмлардан фойдаланиш), муаммоли вазиятни яратиш, уларни мотивлаштириш зарур. Бу ерда ўкув жараёни давомида политехник диалог “ўқитувчи - ўқувчи”, “ўқувчи - ўқувчи”, “ўқувчи - гурух” имкониятларини аниқлайдиган таълимий ўзаро таъсир ресурслари қўлланилади. Бундай ўзаро таъсир ўқитувчидан муайян ташкилотчиликни талаб этади. Қоидага кўра, улар схемалар, макетлар, ҳаракатланувчи моделлар, виртуал лаборатория ишлари давомида ҳар бир

ўкувчининг дикқатини ўрганиш обьектида жамлашни талаб этмайдиган ўкув ҳаракатларини муҳокамасида очиб берилади.

Кимёвий билимларнинг мураккаблиги туфайли бундай матнларни тушуниш маълум тайёргарликни талаб этади. Касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш топшириғи сифатида, бундай матнларни ўқиши ва қайта тузиш, шунингдек уни мустақил тайёрлаш тавсия этилиши мумкин. “Ўкувчи - ўқитувчи” таълимий ўзаро таъсир ресурслари, шунингдек ўқитувчи томонидан политехник билимлар элементларини ўкув материали сифатида тушуниш ва такрорлаш назоратини ўз ичига олади.

Касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг катта имкониятларини ахборот-коммуникация технологиялари тақдим этади, виртуал лаборатория ёрдамида ўкувчилар турли политехник эффектларни имитациялайди.

Лаборатория ишларини бажариш жараёни эса реал шароитларда лаборатория ишларини бажаришга ўхшаш. Бунда ҳақийқийга ўхшаш жихозлар, қурилмалар, реактивлар ва хаказолардан фойдаланилади.

Касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш ресурсларига шунингдек, тобора янги шакл ва мазмун касб этаётган иш берувчилар билан ўзаро таъсир ҳам киради. Бундай ресурснинг имкониятларига касбий политехник фикрлаш кўникмаси шаклланиши ва ривожида мотивация ва кимёвий политехник соҳадаги турли хил фикрлаш операциялари тажрибаларини тўплаш киради. Ўкувчиларда Кимё фанини ўқитиши жараёнида касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш жараёнини моделлаштиришнинг бошланғич жараёнида, бизнинг фикримизча, уни шакллантиришнинг психологик ва педагогик тадқиқотларда аниқланган ва тажрибада текширилган барча усулларини ягона тизимга келтириш зарур.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчиларида касбий дунёқарашни шакллантириш усулларини излашга бағишлиланган илмий ишларда ўкувчилар

били тўгараклар ва ижодиёт секцияларида, синфдан ташқари ишларни, касбга йўналтирилган тўгарак машғулотларини, касбга йўналтириш ишларини ташкил этишининг янги усулларини қўллаш зарур.

#### **§1.4.Ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришга доир хориж тажрибаси**

Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашларини шакллантириш жараёнида ўқитувчи фаолиятига бир қатор талаблар қўйилади. Мазкур талабларнинг бажарилиши натижасида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик ва касбий фаолиятлари самарали ривожланади.

Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашларини муваффақиятли шакллантириш учун мазкур жараённинг ташкилий асослари ва тамойилларини аниқлаш муҳим дидактик аҳамиятга эга. Мазкур жараённинг ташкилий асослари ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш асосида уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришнинг назарий йўналишларида ўз ифодасини топади. Ўқувчиларнинг касбий ва тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш ўзига хос дидактик жараён сифатида намоён бўларкан, биз мазкур жараённинг тамойилларини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Бу ўз навбатида ўқитувчиларга мазкур жараённи мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш имконини беради. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этишда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади. Бундай ҳамкорлик улар орасидаги ўзаро ишонч, қатъийлик, умумий нуқтаи назарларга асосланган бўлиб, ўқув жараёни субъектларининг хулқ-атвор меъёрларини белгилайди.

Ўқувчиларнинг касбга йўналганлик фаолиятларини меъёрлаштирган ҳолда шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Шундагина уларда касбий дунёқараш жадал тарзда шаклланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг касбга йўналганлик фаолиятларини ташкил этувчи ҳамда бошқарувчи асосий субъект сифатида намоён бўлиши лозим. Унинг фаолияти марказида ўқувчиларнинг касбий дунёқарашларини муайян қонуниятларга асосланган ҳолда шакллантириш

туради. Ўқувчиларнинг касбга йўналганлик фаолиятларини ташкил этиш жараёнига ўқитувчининг технологик жиҳатдан ёндашиши муҳимдир. Ўқитувчи жараённи ташкил этиш йўллари ва ўқувчиларнинг касбга йўналганлик фаолиятларини ташкил этиш ҳамда лойиҳалаштиришнинг асосий вазифаларини билиши керак.

Ўқувчиларнинг касбга йўналганлик фаолиятлари уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришга педагогик қувватларини йўналтириш имконияти сифатида қўйидаги тамойилларга таянилган ҳолда ташкил этилиши керак: тушунарлилик, табиийлик, чукур ўйланганлик, мустақил фаолиятга асосланганлик, синалганлик, маданиятга асосланганлик кабилар.

Бу ўринда амал қилинадиган энг асосий тамойил тадқиқотчиликнинг ўқувчилар мустақил фаолиятига асосланғандайдир. Ўқувчиларда касбга йўналганликни амалга оширилиши жараёнини унда шахсан иштирок этганларида гина идрок эта олади. Бунинг учун ўқувчи бу жараённи тўлиқ ўтиши мазкур фаолиятга оид тажрибага эга бўлиши лозим. Ўқувчилар тадқиқотга киришиш жараёнида мустақил фаолият тажрибасига эга бўлишлари зарур.

Агар ўқитувчи ўз иш режасида ўқувчиларга касбга йўналганлик фаолиятининг шакллари, методлари, усуллари, тамойиллари, йўлларини ўргатишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ўқувчиларга илмий характердаги топшириклар бериб, уларнинг ўз касбга йўналганлик фаолиятларини рўёбга чиқаришларига шароит яратиб беришлари керак. Ҳар бир мавзууни ўргатиш жараёнида ўкув фани ўқитувчилари ўқувчиларни касбга йўналганлик фаолиятига жалб этишлари лозим. Бунинг натижасида ўқувчилар касбга йўналганлик фаолияти қўникмаларини эгаллай бошлайдилар ва уларда муайян касбий дунёқараш шаклланади. Жумладан, математик дунёқараш, лингвистик дунёқараш, тарихий дунёқараш, диний дунёқараш каби.

Хориж мамлакатларида ҳам болаларда дунёни илмий жиҳатдан ўрганиш қўникамасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Манбаларда кўрсатилишича, болаларда дунёни илмий жиҳатдан ўрганиш жараёни ва унда

қўлланиладиган усуллар бир қатор кўникмаларни шакллантириш имконини беради. Масалан:

- объект, буюм ва ҳодисаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- саволлар бериш;
- кузатувлар олиб бориш;
- кичик изланишлар олиб бориш;
- қиёслаш, саралаш, ажратиш каби кўникмалар;
- изланишларни расм, кичик иншо, график чизмалар ёрдамида қайд этиб бориш;
- турли восита ва қуроллардан фойдаланиш;
- буюм ва ҳолатлар орасидаги боғлиқликни топиш;
- ғоя ва фикрларини содда тушунтира олиш;
- бошқалар билан ҳамкорликда ишлаш;
- таассурот ва фикрлар билан бўлишиш<sup>2</sup>.

Бунинг натижасида ўқувчиларда ўзлари танлаган ўқув предмети доирасида тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилади.


Ўқувчилар мазкур жараёнда ўз фаолиятлари натижаларини чуқур таҳлил қилиш кўникмасини эгаллайди. Ўқувчиларнинг эришган натижалари уларда ижодий фикрлаш, ижодий режаларнинг туғилишини таъминлайди. Ўқитувчилари ва синфдошлари билан мулоқот жараёнида уларнинг мазкур режалари ойдинлашади ва такомиллашади.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари эса изчил характерга эга бўлиб, муайян майлларга асосланган ҳолда ривожланади. Ўқувчиларнинг бундай мустақил фаолиятлари уларда ҳамкорликда ишлаш, ўз нуқтаи назарларини қатъийлик билан ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантиради. Бунинг натижасида

---

<sup>2</sup> Developing scientific inquiry of children // <https://www.nottingham.ac.uk/artsandhealth/methodology.aspx>.

Ўқувчилар илмий ҳодисаларни аниқ баҳолаш ва уларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш имкониятига эга бўлади. Бу ўринда дунёни илмий англашда қўйидаги методлардан фойдаланиш тавсия этилади<sup>3</sup>:



Кичик тадқиқотлар натижасини синааб кўриш давомида улар ҳар доим ўқитувчиларининг маслаҳати ва кўмагига муҳтоҷ бўлади. Масалан, “илмий ҳодисаларнинг ўзаро ўхшаш томонларини топинг ва уларни изоҳланг!”, “берилган матндан ўзаро маънодош сўзларни ажратиб уларнинг услубий маъноларини изоҳланг!” каби.

<sup>3</sup> Developing scientific inquiry of children // <https://www.nottingham.ac.uk/artsandhealth/methodology.aspx>.

Агар ўкувчилар берилган топшириқларни бажара олмаса, уларда машғулотларга нисбатан қизиқиши йўқолади. Бу ўринда тадқиқотчилик мазкур ўкувчилар учун фаолият сифатидаги қимматини йўқотади. Улар ҳамкорликдаги тадқиқотчилик фаолиятининг субъектига айланы олмайдилар. Ўзларининг мустақил фаолиятлари натижасида ўкувчилар илмий ҳодисалар ва ахборотларнинг мазмун-моҳиятини билишга муваффақ бўладилар. Бу эса уларга муайян ўкув предметларига оид бўлган назарий билимлар, илмий ахборотларни алоҳида танлаб олган ҳолда ўзлаштириш имконини беради. Улар илмий тушунчалар ва ахборотлардан ўз фаолиятларида самарали фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштирадилар. Бу ўринда ўкувчиларнинг нуқтаи назарлари чуқур англанган ва ўйланган фаолият маҳсулси сифатида намоён бўлади. Бу эса уларнинг илмий дунёқарашларини ифодалайди.

Агар ўкувчиларда тадқиқотчилик фаолиятига нисбатан эҳтиёж вужудга келтирилса, улар кутилган самарадорликка эришиш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун ўкувчилар олдига уларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мос келадиган ўкув топшириқларини қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шундагина ўкувчи тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўзида рағбат ва куч топа олади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўкувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини йўлга қўйиш учун уларга тушунарли, бажаришга кучлари етадиган топшириқларни танлаши лозим. Мазкур топшириқлар имкон қадар ўкув дастуридаги мавзулар доирасида бўлишига эришиш талаб этилади. Айрим ўқитувчилар ўкувчиларнинг интеллектуал тараққиётларини жадаллаштириш мақсадида уларга турли мураккабликдаги топшириқларни берадилар. Ўкувчилар мазкур топшириқларни бажаришга ўзларида қуч тополмаган тақдирда тадқиқотчилик фаолиятларини тўхтатадилар, ундан безадилар.

Ўкувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига ўргатишга йўналтирилган машғулотлар дарсликлардаги ўкув материаллари ва уларга қўшимча тарзда ўқитувчилар томонидан тақдим этиладиган илмий ахборотлар асосида ташкил этилиши лозим. Бунда ўкувчиларнинг ўкув дастури доирасида ўзлаштирган

назарий билимлари, ёш хусусиятлари ва интеллектуал ривожланиш даражалари аниқ ҳисобга олиниши керак. Давлат таълим стандартларида кўзда тутилмаган, муайя синф ўқув дастурига киритилмаган мавзулар доирасида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш мумкин эмас. Мураккаблик даражаси юқори бўлган топшириқлар асосида айрим, ўта қобилиятли ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларинигина ташкил этиш мумкин. Бунда ўқитувчининг ҳамкорлиги ниҳоятда зарурдир. Баъзи ҳолларда бир ёки бир неча ўқувчи учун мураккаб бўлган топшириқлар, бошқалари учун осон бўлиши мумкин. Бунда ўқитувчи ўта ҳушёрлик кўрсатиб интеллектуал даражалари бир-бирларига яқин бўлган ўқувчиларни алоҳида-алоҳида кичик гуруҳларга ажратган ҳолда уларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиши лозим.

Педагогларни ўқувчиларда илмий дунёқарашини шакллантиришга тайёрлашда интерфаол методлардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўйида уларнинг айримлари ҳакида сўз юритамиз.

**1.“Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”) методи** (ингл. “case” – метод, study) – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш технологияси талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қўйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

**2. “Кичик эссе” стратегияси** кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қиласди. У талабалар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Кичик эссени яратишда талабалар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хуносаларни баён этиш имконига эга бўлади.

**3. “Кластер” ГО** (“Кластер” – ғунча, тўплам, боғлам) пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни талабалар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

**4. “Концептуал жадвал” ГО** талабаларни ўрганилаётган мавзу (масала, муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда талабаларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

**5. “Мантиқий чалкаш занжир” стратегияси** тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетлиқда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзуни ёритувчи маълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади. Талабаларнинг вазифаси мантиқий жиҳатдан нотўғри ифодаланган маълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантиқий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетлиқда тўғри жойлаштирган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат.

Шундай қилиб, ўқувчиларни илмий дунёқаршини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу жараён муайян талаблар асосида ташкил этилади. Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини самарали, мақсадли ташкил этилиши ўқувчиларда илмий дунёқарашни, бой тафаккурни, ақлий салоҳиятни шакллантиришга ёрдам беради.

## **I-боб бўйича хулосалар**

1. Умумтаълим мактабларида юқори синфларда фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбий йўналтириш мазмуни фан ўқитувчиларида талаб даражасида шаклланмаганлиги аниқланди

2.Касбий дунёқараш интеллектуал билимлар асосида, ўз-ўзидан, кундалик тажриба асосида ёки ҳар хил дунёқарашларнинг ўзаро таъсири натижасида ёки онгли равишда фундаментал ғоялар, ғоялар, тамойилларни назарий ривожлантириш орқали шаклланиши мумкинлиги асосланди.

3.Мактабда ўқувчиларни касбий йўналтириш, касбий маслаҳатлар, касбий дунёқарашни шакллантиришнинг самарадорлиги инсоннинг меҳнат жараёни ва ўзи ҳақида хабардорлиги кенглиги ва чуқурлиги билан белгиланиши изчил ўрганилди.

4.Ўқувчиларни касбий йўналтириш, уларда касбий дунёқарашни самарали шакллантиришда, ижтимоий-касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш талаб этилувчи психологик сифатлар мухим аҳамият касб этиши асосланди.

5.Касбий дунёқараш - бу дунёқарашлар тизими бўлиб, у тизимли омиллар, муайян касбнинг ижтимоий қадриятлари, касблар ҳақида яхлит фикрлашнинг асоси эканлигига мос равишда, ўқувчиларда касбий дунёқарашни мактабда ўқиш ва таълим жараёнида, кимёвий билимлар асосида шакллантиришни самарали амалга ошириш шартлари ишлаб чиқилди.

6.Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, билимларни ўзлаштиришнинг мазмуни ва усулларини касбий ва шахсий ривожланиш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари билан уйғунлаштирадиган технология ишлаб чиқиш, ўқувчининг касбий дунёқарашини шакллантириш мезонлари назарий аниқланди.

7. Кластер тизимида электив таълимни жорий этиш, дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари мазмуни ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланди.

8.Кимё фанини касбга йўналтириб ўқитиша касбий политехник фикрлашнинг педагогик асосланиб, педагогик ва психологик тадқиқотларда аниқланган ва синовдан ўтган касбий политехник фикрлаш қўникмасини шакллантириш услублари умумлаштирилди.

**П-БОБ. КИМЁВИЙ БИЛИМЛАР АСОСИДА МАКТАБ  
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ**

**§2.1. Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий  
дунёқарашини шакллантириш мазмунни**

**Касбий дунёқарааш ва тафаккурни шакллантириш.** *Дунёқарааш* табиат, ижтимоий жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимиdir. Мазкур тизим доирасида ижтимоий-ғоявий, фалсафий, иқтисодий, табиий-илмий, маънавий-ахлоқий, эстетик, хуқуқий ва экологик билимлар негизида шаклланган эътиқодлар асосий таркибий унсурлар сифатида намоён бўлади.

Муайян дунёқараашга эга бўлиш шахсда атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни, субъектларга нисбатан маълум муносабатнинг қарор топиши, шунингдек, шахс томонидан зиммасидаги ижтимоий бурчларини тўлақонли англаш ва уларни бажаришга нисбатан масъулият туйғусига эга бўлиши учун замин яратади.

Шахсда дунёқарааш *изчил, тизими, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил* этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиши ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади. Ёш авлод дунёқарашининг шаклланишида таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар асосларининг улар томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим ўрин тутади.

Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳаётий ёндошувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ҳамда ахлоқий тамойиллар моҳияти у эга бўлган дунёқарааш мазмунини ифодалайди. Ўз навбатида дунёқараашнинг бойиб бориши шахснинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди. Ўз мазмунида эзгу ғояларни ифода этган


дунёқарааш шахс қиёфасида намоён бўлаётган ижобий фазилатларнинг бойиб боришига ёрдам беради.

Дунёқарааш ўз моҳиятига кўра, илмий (муайян фалсафий тизимга эга) ва оддий (муайян фалсафий тизимга эга бўлмаган) дунёқарааш тарзида фарқланади. Касбий дунёқарааш асосида узлуксиз, изчил равищда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлик касб этган ғоялар ётади.

Шахс дунёқарашини шакллантириш узоқ муддатли, динамик хусусиятга эга мураккаб жараён саналади.

**Илмий дунёқарааш** узлуксиз, изчил равищда инсоният томонидан орттирилган, мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштириш, ҳаётий тажрибани орттириш асосида шаклланади. Шахс дунёқарашини шакллантириш узоқ муддатли, динамик хусусиятга эга жараён саналади.

Шунингдек, дунёқарааш муайян турларга бўлинади. Дунёқарааш турлари қуидагилардир:



### Дунёқарааш турлари

**Мифологик дунёқарааш** – ибтидоий жамоа тузумида борлиқни образли қабул қилиш асосида шаклланган тасаввурлар мажмуасини ифодаловчи дунёқарааш. “Мифология” тушунчасининг ўзи (юонончадан “mythos” – афсона, ривоят, “logos” – фан, таълимот) бирор халққа тегишли афсоналар маъносини англатади.

**Диний дунёқарааш** – борлиқни илохий кучга, Худога ишониш асосида қабул қилишни ифодаловчи тасаввурлар, урф-одатлар ва маросимлар мажмуи. Араб

тилидан таржима қилинганда “дин” тушунчаси “эътиқод”, “ишонч” маъноларини англатади.

**Ижтимоий-сиёсий дунёқарааш** – кишиларнинг объектив мавжуд бўлган сиёсий ҳаётга нисбатан сиёсий қарашларининг, сиёсий фаолиятга нисбатан муносабатларининг умумлаштирилган тизими.

**Фалсафий дунёқарааш** (“фалсафа” юононн. “φιλία” –муҳаббат, интилиш, иштиёқ, “σοφία” – донишмандлик; “φιλοσοφία” – донишмандликка интиlamан) – табиий ва ижтимоий борлиқни назарий қабул қилишга, шахснинг борлиққа нисбатан фалсафий муносабатига асосланган дунёқарааш.

**Эстетик дунёқарааш** – табиий ва ижтимоий борлиққа эстетик қадриятлар – гўзаллик, хунуклик, кулгули, фожиавий ва бошқалар асосида ёндашишга асосланган дунёқарааш.

**Хаётий тажриба** – ҳар шахс томонидан унинг умри давомида ортирган тажрибалари.

**II. Ақлий тарбия ва илмий дунёқараашнинг асосий белгилари ва моҳияти.** Шахс дунёқарашининг шаклланишида ақлий тарбия муҳим ўрин тутади. Айтиб ўтилганидек, **ақлий тарбия** шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият бўлиб, уни самарали йўлга қўйиш асосида дунёқарааш шаклланади

Ақлий тарбия ўқувчиларни илм-фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришда қўлга киритилаётган ютуқлар билан таништириш, уларда ижодий, эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга замин яратади.

Ақлий таълим ва тарбия бирлиги асосида **шахсада тафаккур** (ижтимоий воқеа-ходисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли) ривожланади. Ақлий тафаккурнинг мавжуд даражасини белгилаш бир қадар мураккаб бўлиб, қуйидаги белги (мезон)ларга қўра аниқланиши мумкин: 1. Илмий билимлар тизимининг мавжудлиги. 2. Мавжуд

илмий билимларни ўзлаштириб олиш жараёни. 3. Фикрлаш кўникмасига эгалик. 4. Билимларни эгаллашга бўлган қизиқиш ҳамда эҳтиёжнинг юзага келганлиги.

Ақлий тарбия жараёнида қуидаги **вазифаларни** ҳал этиш орқали шахсда дунёқараш, илмий дунёқараш шакллантирилади:

1. Шахсга илмий билимларни бериш.
2. Шахсда илмий билимларни ўзлаштиришга онгли муносабатни қарор топтириш.
3. Билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини таркиб топтириш.
4. Билимларини доимий бойитиб боришига интилиш туйғусини шакллантириш.
5. Билимларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган психологик қобилияtlар (нутқ, диққат, хотира, тафаккур, ижодий хаёл) ва хусусиятлар (аниқ мақсадга интилиш, қизиқувчанлик, кузатувчанлик, мустақил фикрлаш, ижодий тафакур юритиши, ўз фикрини асослаш, мавжуд маълумотларни умумлаштириш, гурӯхлаштириш, мантиқий хулосалар чиқариш ва ҳ.к.)ни ривожлантириш

Ақлий тафаккур узоқ муддат ҳамда тинимсиз изланиш натижасида юзага келиб, унинг негизида илмий қараш ва эътиқод ётади. **Илмий қараш** (юонча “idea” – ғоя, тасаввур ва тушунчалар йифиндиси)муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя бўлиб, у шахс томонидан мавжуд илмий билимлар тизими пухта ўзлаштирилганда, билимларни бир-бири билан таққослаш, солишишириш, предмет, ҳодиса ёки жараён моҳиятини таҳлил қилиш натижасида юзага келади

Ақлий тарбияни самарали ташкил этиш шахсда илмий тафаккурни ривожлантиради. **Илмий тафаккур** инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодиса ва жараёнларга илмий ёндашувни англатади.

**Эътиқод** дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий-фалсафий, табиий, иқтисодий, хуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик ва экологик билимларнинг

такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишончdir. У неча босқичда шаклланади: 1) билимлар беқарор ва вазият тақозосига кўра ўзгарувчанлик хусусиятини касб этади; 2) маънавий-ахлоқий қарашлар барқарор тамойилларга айланади; 3) барча вазиятларда ҳам устувор маънавий-ахлоқий тамойил бўлиб қолади.

Шахснинг илмий дунёқарашга эга бўлиши, илмий билимларни ўзлаштириб бориши катта аҳамиятга эга. Бунинг афзалликлари қуйидагиларда кўринади:

- 1) табиат, жамиятда рўй берадиган воқеа, ҳодисалар моҳиятини тўғри талқин эта олади;
- 2) ўзига ва атрофдагиларга нисбатан оқилона муносабатда бўла олади;
- 3) ҳеч қачон далиллар билан исботланмаган воқелик ва ҳодисаларни ҳақиқат сифатида қабул қилмайди;
- 4) илмий дунёқарашга эгалик шахсда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;
- 5) замонавий шароитда инсон онгини бошқариш илинжида юрган турли оқимлар, уларнинг миссионерлик фаолиятлари таъсирига, мистик ғояларга бериlmайди;
- 6) шахсий ҳаётида, ижтимоий жамиятда рўй берадиган ўзгаришларнинг муайян қонуниятларга асосланишига ишонади, уларни табиий қабул қилади;
- 7) ўзининг ва жамият ҳаётида содир бўлаётган салбий ҳодисаларни ўткинчи сифатида қабул қилади ҳамда келажакка ишонч билан қарайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаларида ёшларнинг билимли, юксак тафаккур эгаси бўлиш борасидаги қарашлар муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини жамият тараққиётини таъминловчи омил эканлигига алоҳида ургу берилади. Чунончи, “... илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаемиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар онгига сингдириш учун ҳаракат қиласемиз.

Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга баҳшида этса, билингки, одамзод ёруғ кунларга эришиши муқаррар<sup>1</sup>.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури масалаларига алоҳида ўрин берган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форбий, Абу Райҳон Беруний инсон томонидан борлиқни англаниши, табиат сирларини англашида илм-фаннинг ролини ҳал қилувчи омил сифатида баҳолайди. Алломанинг фикрича, инсон танаси, мияси, сезги органлари у туғилганда мавжуд бўлган бўлса, ақлий билими, маънавияти, руҳияти, интеллектуал ва ахлоқий сифатлари, характеристи, дини, урф-одатлари, маълумоти ташқи олам, ижтимоий муҳит таъсирида, одамлар билан ташкил этаётган муносабатлари жараённида шаклланади.

Абу Райҳон Беруний қуйидаги қарашни илгари суради: “Инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи сифати ҳамда хусусиятлари ҳақида билим олмай, балки тафаккури, ақли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослади, бир-бири билан солиштириб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди”<sup>2</sup>.

Алишер Навоий билимларни изчил, узлуксиз ўзлаштириш зарурлигини уқтиради. Шунингдек, илм ўрганиш машаққатли юмуш бўлиб, уни ўрганишда айrim қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келиши, бу йўлда чидамли, қаноатли, бардошли бўлиш орқалигина мукаммал билимга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди.

Абдулла Авлоний эса инсон ақлий камолоти хусусида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этади: “Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарур, маданият, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бугун ҳаётимиз, саломатлигимиз,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар Ш.Курбонов, Ҳ.Саидов Р.Аҳлиддинов. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1999. – 57-бет.

<sup>2</sup> Беруний, Абу Райҳон. Танланган асарлар. III жилд. – Тошкент: Давлат нашриёти, 1966. – 7-бет.

саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур”<sup>2</sup>.


Ўқувчи дунёқарашини шакллантиришнинг бир неча мақбул шакл, метод ва воситалари бўлиб, улар сирасида маънавий-ахлоқий, ижтимоий-гоявий, иқтисодий, ҳукуқий, эстетик ва экологик мавзуларда ташкил этилувчи сухбатлар, баҳс-мунозаралар, маъruzалар, муаммоли вазиятларни яратиш асосида ўқувчиларни фикрлашга ундовчи амалий тренинглар, дебатлар, мустақил ишлар, шунингдек, ишчанлик ўйинлари янада самарали саналади.

Таълим-тарбия жараёнининг изчил, узлуксиз, тизимли ҳамда аниқ ижтимоий мақсад асосида ташкил этилиши, мазкур жараёнда фанлараро алоқадорлик, шунингдек, дунёқарашини шакллантиришда самарали саналувчи барча мавжуд омилларнинг бирлигига таянган ҳолда иш кўриш кўзланган мақсадга эришишнинг кафолатидир.

Касбий дунёқарашини шаклланиши психик жараён сифатида маълум бир касбга оид тушунчаларни тўлиқ англаб етишда тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келганда намоён бўлади ва у фикрлашда фақат билимнинг ўзи эмас, балки уни ўзлаштириш бўйича фаолият ва бу фаолиятни англаш, яъни рефлексия ривожланади. “Психик ривожланиш, айниқса, инсоннинг интеллектуал ривожланиши фақат “тўсиқларни”, интеллектуал қийинчилик-ларни енгиб ўтиш шароитида амалга оширилади”.

---

<sup>2</sup> Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 22-23-бетлар.



2.1.1-расм. Касбий дүнёқараашни шакллантиришнинг тузилмавий схемаси

Ўқув масаласи ўқув фаолиятни ташкил этиши ва ўқув натижаларини лойихалашнинг ҳақиқий воситаси бўлиши учун, қўйидаги шартларга риоя қилиниши керак:

- 1) ўқув мақсадлар билан боғланган масалалар тизимини ишлаб чиқиш;
- 2) масалаларни конструкциялашда нафақат яқин ўқув мақсадларга, балки олис ўқув мақсадларга мўлжал олиш;
- 3) ўқув масаласини ўзлаштириш уларни ечишда ўқитишнинг бевосита маҳсулоти сифатида иштирок этадиган фаолият воситаси сифатида лойихалаш.

Касбий дунёқарашни шакллантириш, касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш натижаси кимё фани бўйича политехник масалаларни муваффақиятли ҳал этиш бўлиб, бу жараёнда у ўзининг қуидаги сифатий характеристикаларида намоён бўлади: ижодий тавсифи (креативлик), интегративлик, оперативлик (тезкорлик) ва рефлексифлик. Бу тавсифларга мўлжал олиш касбий политехник фикрлаш кўникмасининг шаклланиш жараёнини диагностик (ташхисли) қилишга имкон беради (2.1.1-расм).

Демак, умумтаълим мактабларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришда таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда касбий политехник фикрлашга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун касбга йўналтиришнинг интерфаол усулларини қуидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

Таълимий: Касбга оид тушунчалар; Касбга йўналтирилган таълим; Касбий билимлар; Касбий кўникмалар; Касбга оид мулоҳазалар; Касбга оид маслаҳатлар; Кластер тизимида ўқитиш; Электив ўқув курслари ва бошқалар

Тарбиявий: Касбга оид мулоҳазалар; Касбий тарбия; Касбий тафаккур; Касбий онг; Касбий ҳис-туйғу; Касбий қадриятлар; Касб танлашга оид тадбирлар; Суҳбатлар; касб эгалари билан учрашувлар ва бошқалар.

Тадқиқотда касбий дунёқарашни шакллантириш, кимёвий билимлар асосида политехник фикрлаш кўникмаси барча компонентлари ва сифатий характеристикалари ўзаро яқин боғланганлиги ҳамда ўқувчиларнинг кимёвий билимлар ва интеллектуал кўникмаларни эгаллашда уларнинг барқарор бирлигидан келиб чиқкан ҳолда уларда касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш компонентлари ишлаб чиқилди (2.1.1-жадвал):

**Касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш  
компонентлари**


**2.1.1-жадвал**

т/р	Шакллантириш усуллари	Мақсад	Амалга ошириш
1	Тушунчали компонентни шакллантириш	Ўқувчиларда тузилма бўйича яхлит, самарали ва динамик кимёвий билимлар тизимини шакллантириш	Кимёвий билимлар асосида касбий политехник фикрлашни шакллантиришни таъминловчи, касбий политехник фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган фанлар учун фанлараро алоқадорлик тизимини яратиш, ишлаб чиқилган фанлараро алоқадорлик тизимидан фаол фойдаланиш
2	Образли компонентни шакллантириш	Политехник предметни ҳаракатда ва бошқа политехник обьектлар билан ўзаро тасирлашувда кўриш ҳамда бу динамиканинг тавсифини тушуниш, динамик тасаввурларга таяниш, образдан тушунчага ва аксинча ўтиш кўникмаларини шакллантириш	Образлар кўринишида тақдим этилаётган ўқув ахбороти миқдорини ошириш; каралаётган ўқув предметининг ҳар бир мавзуси бўйича мураккаблашувчи образлар тизимини ишлаб чиқиш ва унинг турли хил воситалар (статик кўргазмалилик, динамик кўргазмалилик, компьютерли тақдим этиш) ёрдамида асосли тақдим этилишни таъминлаш; ўқувчиларнинг ўқув материалининг тузилмавий мантиқий схемаси билан ишлашини фаоллаштириш; ўқув фаолияти давомида ўқувчилардан қуидаги кўникмаларни талаб этадиган масалалар тизимини ишлаб чиқиш: идрок этиладиган кўргазмали материални хаёлий ўзгартириш; хотира бўйича образларни фаоллаштириш; политехник обьектларнинг берилган параметрлар бўйича образлар кўринишини ўзгартириш, образдан тушунчага ўтиш ва аксинча.
3	Ҳаракатли (амалий)	Қуидаги кўринишдаги политехник масалаларни	Ўқувчиларда кимё фанини ўрганиш жараёнида касбий политехник

	компонентни шакллантириш	ешишнинг амалий ва интеллектуал кўникмаларини шакллантириш: меҳнатга оид политехник, ишлаб чиқариш, график, технологик, конструкторлик, конструкторли – политехник, тажрибавий – политехник	фикарлаш шаклланганлигининг юқори даражасига ўтишга имкон берувчи уни шакллантиришга йўналтирилган масалаларни тақдим этиш, уларнинг кўринишини аниқлаш ва бу кўринишларнинг ҳар бири бўйича мураккаблашувчи масалалар тизимини ишлаб чиқиш; Политехник обьектлар билан фикрий операцияларни машқ қилишга йўналтирилган масалалар топшириқларнинг масалалар тизимини тузишда қўйидаги масалаларни кўзда тутиш: Политехник обьектларни фикрий (хаёлан) бўлаклашга оид топшириқлар, политехник обьектларни фикрий таққослашга оид топшириқлар, турли хил обьектларнинг хусусиятларининг янги бирикмасини ҳосил қилишга йўналтирилган топшириқлар
4	Тезкорлик компонентини шакллантириш	Чекланган вақт мобайнида турли хил шароитда масалаларни ешишда билимларни кўллаш кўникмасини шакллантириш	Вазиятнинг ноаниқлиги бўйича реал касбий фаолиятга яқин политехник масалаларни ешиши ташкил этиш; вақт бўйича чегараланган политехник масалаларни ешиши ташкил этиш
5	Касбий политехник фикарлашни ижодий даражада шакллантириш	ижодий кўникмаларни шакллантириш: политехник муаммоларни аниқлаш ва шакллантириш, стандарт вазиятларни янги нуқтаи назар бўйича қараб турли хил ғоялар тўплашни генерациялаш; политехник обьектларни функционал имкониятларини кенгайтириш; политехник жараёнга ўзгартириш киритиш; политехник масалаларни ешишда ўз вариантини текшириш	Ижодий масалаларни ешишнинг эвристик усулларини назарий ва амалий даражада эгаллашга имкон берувчи машғулотлар циклини ишлаб чиқиш; қаралаётган ўқув предмети ва бутун касбий тайёргарлиги доирасида фойдаланиладиган ижодий масалалар ва топшириқлар тизимини тайёрлаш; ўқувчилар креативлигини ташхислаш воситаларини ишлаб чиқиш; ўқувчиларнинг креативлигининг

		учун ҳаракатларни (амалларни) режалаштириш ва ўтказиш; политехник объектларнинг шахсий варианларини график ифодалаш; масалани ечиш учун таклиф этилаётган варианларнинг турли хил кўринишларини таҳдил этиш; ижодий қидирув натижаларини ва таклиф этилган ечимлар самарадорлигини асослаш	аниқланган даражаларига боғлиқ ҳолда уларнинг турли гурухларида касбий политехник фикрлашнинг ижодий ташкил этувчисини табақалаш-тирилган ҳолда шакллантиришни ташкил этиш; креативликнинг юқори даражаси билан ўқувчилар учун махсуслаштирилган ўқув шарт – шароитини яратиш; лойихаларни, топшириқлар мажмуасини, ижодкорлик элементли масалаларни ўз ичига олган касбий масалаларни ўқувчилар томонидан мустақил ечишга йўналтириш; ижодий потенциалга эга бўлган ўқувчилар билан қаралаётган фанлар бўйича илмий – тадқиқот ишларини ривожлантириш
6	Касбий политехник фикрлашни рефлексив даражасини шакллантириш	Кўникмаларни шакллантириш: фикрлаш жараёни, усуллари ва натижаларини англаш, ўзининг ўқув фаолият жараёнида шаклланиш усуллари ва натижаларини англаш	Ўқувчиларда фикрий фаолиятнинг рефлексив даражасини шакллантириш таъминловчи ўқув – тарби-явий жараёнга шароит яратиш; касбий тайёргарлик жараёнида ўқувчилар мустақил субъект сифатида қараб, уларни бу жараёнга киришига қизиктириш учун шароит яратиш

Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (2.1.2 - расм) ва унинг таркибий қисмларининг моҳияти ёритиб берилди.



2-расм. Ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш технологияси  
модели

Ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш модели модулларининг ўзаро алоқадорлигини қуидагича:

процессуал-методологик (ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришда методологик ёндашув ва тамойилларни амалиётга жорий этиш хусусиятлари); муаммоли-мазмунли (ўқув режа ва фан дастурига мувофик ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантирувчи касбий–амалий ва амалиётга йўналтирилган ўқув машғулотлари тавсифи;

ташкилий-технологик (ўқув-амалий фаолиятни ташкил этиш, ўқувчиларнинг синфдан ташқари машғулотлари, кластер муҳитида электив таълим инфратузилмаларини ривожлантириш, ўқувчилар илмий-тадқиқот фаолияти шаклларини ривожлантириш;

натижавий-мезонли (ўқувчиларда касбий дунёқарашни такомиллаштириш харакатларини баҳолаш мониторинги).

Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантириш асосларининг структураси пастки тузилмаларнинг бирлигини қуидагилар англаради:

**касбий-мотивацион** касбий дунёқарашни шакллантиришда касб меъёрларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қийматли муносабат, касбий фаолият кўрсатишга ижобий муносабат, касбга қизиқиш, касбни эгаллашга истак пайдо бўлиши;

**касбий-гностик** фанлараро билимлар тизимини ўзлаштириш, ижодий вазифаларни ҳал қилиш методикаси, ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назарияси ва технологиясини ўзлаштириш, ижодий тасаввурни ишлаб чиқиш, касбий вазифаларни тизимли таҳлил қилиш ва бошқалар;

**касбий ижодий-процессуал** касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга психолигик тайёр бўлиш, ўз фаолиятларини мустақил равишда режалаштириш ва назорат қилиш, ўз ғояларини ва эътиқодларини ҳимоя қилиш, оддий ғояларни яратиш кўникмасини ошириш, уларни амалга

оширилиши касбий фаолиятнинг сифат жиҳатидан янги даражасига олиб келади.

Ўқувчининг юқорида кўрсатилган тузилмасига мувофиқ, унинг касбий дунёқарашини шаклланишини баҳолаш мезонлари қуидагилардир:

- аксиологик (касбий фаолиятининг жараёни ва натижаларига масъул муносабат, касбий муаммоларни ижодий ҳал қилиш хоҳиши ва бошқалар);

-ижодий-когнитив (касбий вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш кўникмаси, меҳнат фаолияти муаммоларини ҳал этишнинг усусларини англаш, билиш қобилияти, мустақил муайян касбга доир билимларни ўзлаштиришга тайёргарлиги);

-операцион-фаолиятли ( мустақил политехник фикрга эга бўлиш, касбга оид қобилияти, муайян касб соҳасида янги инновацион ғояларни яратиш ва амалга ошириш қобилияти).

Ўқитувчи ҳар бир машғулотни ўтказищда қуидагиларни аниқ тасаввур қилиши керак: машғулотда қандай политехник ва технологик билимлар шакллантирилиши керак, бу билимлардан қайси бирлари тушунчалар ва қайсилари-образлар даражасида мавжуд бўлиши керак; машғулотда бу билимлар (тушунчалар ва образлар) билан қандай ҳаракатлар шаклланиши керак; машғулотда фикрлашнинг қандай сифатлари (тезкорлик, ижодий характерли интегративлик, рефлексивлик) такомиллаштирилиши керак; мақсадларни аниқ билиш ўқитувчиларга уларга эришиш воситаларини онгли равища режалаштиришга имкон беради. Ҳар бир машғулотда касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг аниқ мақсадлари ўқувчиларга ҳам маълум бўлиши керак.

Таълим мазмунининг кўриб чиқилган тузилмасини ўрганиш жараёнида ўқувчилар касбий политехник фикрлаш тўғрисида мақсадга йўналтирилган ҳолда танишадиган ва политехник масалаларнинг ечиш усуслари сифатида ўзлаштирадиган электив ўқув курсларини кластер мухитида ташкил этилиши, ўқувчиларга касбий фаолиятида ижодий масалалар тўғрисидаги билимларни

умумлаштиришга ва бундай масалаларни ечиш технология-ларини ўрганишда ёрдам кўрсатилиши керак.

Касбий политехник фикрлаш кўникмасининг шаклланиш босқичлари тўғрисида ҳам тасаввурлар мавжуд. Жумладан, тадқиқотчилар бу жараённинг учта асосий босқичини белгилаб беришган.

1. Биринчи босқичда касбга оид тушунчаларнинг дастлабки тизими шаклланади, политехник фикрлаш, меҳнат қуроллари, касбга доир, асбоб-ускуналар ва технологик жараёнлар тўғрисида билимларни тўплаш жараёни кечади;

2. Иккинчи босқичда политехник фикрлаш, электив ўқув курсларида иштирок этиш, кластер тизимида маҳсулдор характердаги ўқув-ишлаб чиқариш масалаларининг аҳамияти ортади.

3. Учинчи босқичда технологик жараёнларни англайди, меҳнат фаолияти билан яқиндан танишади, фаолиятни рационаллаштиришга оид маҳсулдор масалаларни ечишга ҳаракат қиласди.

Демак, касбий дунёқарашнинг шаклланиш босқичлари ва ўқувчилар эгаллаган ўқув фаолияти даражаси динамикасига мувофиқ ижодий политехник масалаларни ечишга оид билимлар ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган.

Бундай таълимнинг фундаментал муҳим шарти бўлиб, политехник обьектлар ва уларнинг турли хил моделлари, политехник тажрибалар, дидактик материаллар ва бошқалар ҳисобланади. Шунинг учун, касбий политехник фикрлаш кўникмасининг шаклланиши учун ўзига хос ўқитишининг шакл, услублари ва воситаларининг хусусиятларини аниqlаш ва таҳлил қилиш зарур.

Кимё фанининг назарий машғулотларида касбий политехник фикрлаш кўникмасининг тушунчали ва образли компонентларини шакллантириш имкони бўлади. Бунинг учун маъruzaga тайёргарлик кўришда қуйидаги икки йўналиш бўйича ишни фаоллаштириш зарур:

1. Материални баён қилишнинг муаммоли вариантини ишлаб чиқиш, бу ўқувчиларга ўқитувчининг фикри йўналишни фаол кузатиб бориш имконини беради.

2. Назарий материални турли хил кўринишлардаги образлари (статик ва динамик тасвирлар ва схемалар) билан тўлдириш ва ўқувчиларга образлар билан қилинадиган ҳаракатларни намойиш қилиш: тушунчадан образга, образдан тушунчага, образдан образга ўтиш.

Анънавий қўрсатмалилик билан бирга турли хилдаги образларни ва улар билан амаллар бажаришни намойиш этишни таъминловчи самарали восита компьютер ҳисобланади. Унинг ёрдамида образнинг шаклланиш жараёнини (схемалаштириш жараёнини), унинг кўринишини ўзгартиришлар-ни, унинг динамикасини ва бошқа образлар билан ўзаро алоқасини қўрсатиш мумкин.

Кимё фанидан лаборатория машғулотларида касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш имкониятлари, биринчи навбатда, касбий политехник фикрлаш кўникмасини муҳимлаштирувчи ҳар бир дарс мавзусини ўрганиш жараёнида унинг таъсирчанлик компоненти ортади.

Танлаб олинадиган масалалар имкон қадар (яъни, ўқув материалининг мазмунига боғлиқ ҳолда) касбга йўналтирилган бўлиши керак, бу эса ўқувчиларнинг касбий ўз онгини шакллантиришнинг энг яхши мотивли воситаси бўлади. Агар касбий мазмундаги масалалар атрофида ишлаб чиқариш вазиятининг турли иштирокчиларининг ҳаракатлари тизими тартибга келтирилса, у ҳолда ишбилармон ўйинни ишлаб чиқиш ва ташкил этиш имконияти пайдо бўлади, уни амалга оширишда креативлик, интегративлик ва тезкорлик параметрлари бўйича янада юқори даражадаги касбий политехник фикрлаш кўникмаси ҳаракатлари амалга оширилади. Масалалар ва топшириқлар тизими билан бир қаторда амалий машғулотларда касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг энг муҳим воситалари бўлиб, муҳим политехник обьектлар (реал деталлар ва узеллар, макетлар, моделлар, плакатлардаги тасвирлар ва бошқа) ҳисобланади. Улар билан

танишиш (яни касбий политехник фикрлаш кўникмасининг образли компонентини шакллантириш) эса фақат кўз билан қўрибгина эмас балки бошқа сезги аъзолари ёрдамида, хусусан, таъм билиш, эшитиш, ҳид билиш ва бошқалар ёрдамида ҳам мумкин бўлади.

Кимё фанидан амалий машғулотларда амалий ҳаракатларни шакллантириш учун имкониятлар кенгайтирилади ва улар ёрдамида касбий политехник фикрлаш кўникмаси амалга оширилади. Бу ҳаракатларни ишлаб чиқишидаги зарурият лаборатория ишларини бажаришни тўла компьютерлаштиришга имкон бермайди. Касбий политехник фикрлаш кўникмасининг ижодий ташкил этувчисини шакллантириш учун лаборатория ишларига оид топшириқлар ўқувчиларни мини тажрибалар ўтказишга ундаши зарур, бу уларга фаразларни илгари суриш ва уларнинг тўғри эканлигини текшириш бўйича ақлий ғаракатларни ишлаб чиқишига имкон беради.

Фикрлашнинг рефлексивлигини шакллантириш учун ўқувчиларга амалиётга қуйидаги топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир: касбий политехник фикрлаш кўникмаси ёрдамида ечиладиган касбий масалалар турларини таҳлил қилиб чиқиш; политехник масалаларни ечишни таъминловчи интеллектуал ва амалий ҳаракатларни тавсифлаш; бу масалаларни ечишда шахсий муваффқиятларни баҳолаш.

**Мустақил таълимда.** ўқув режаларга мувофиқ ҳар бир ўқув фани бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишига, аудитория машғулотларига вақт ажратилади, шунинг учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятининг бу муҳим таркибий қисмини мақсадга йўналтирилган ҳолда бошқариш масаласи туради.

Ўқувчиларда касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш мақсадида ўқитувчилар уни фаоллаштирувчи ўқув фанлари бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишларининг қуйидаги турларини режалаштириш лозим: назарий материалнинг айрим бўлакларини мустақил ўрганиш. Бунинг учун муҳим шартлар бўлиб ўқувчиларга мавзу тузилмасида ўрганилаётган масаланинг ўрнини англашга имкон берувчи тегишли ўқув материаллари ва

топшириқлар ҳисобланади. Бундай топшириқлар ўқувчиларга образдан тушунчага ўтиш ҳаракатларини машқ қилишларига имкон беради; қўшимча назарий материалларни мустақил ўрганиш ва улар учун тузилмавий-мантиқий схемалар тузиш. Бундай топшириқлар ўқувчиларга тушунчадан образга ўтиш ҳаракатларини машқ қилишларига имкон беради; касбий политехник фикрлаш кўникмасини фаолаштирувчи ўқув фанлари бўйича амалий уй топшириқларини мустақил бажариш; масалалар ечиш, лаборатория ишлари бўйича, амалиётлар ва бошқалар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш; лойиҳаларни бажариш.

**Ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларида иштироки.** Ўқув фаолиятининг бу турлари касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш жараёнини индивидуаллаштиришга имкон беради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижодий қобилияtlарга эга бўлмаган ўқувчиларни табақалаштириш (ажратиш) керак. Табақалаштирилмаган ўқитиш ижодий қобилиятга эга ўқувчиларга ҳам, бундай қобилияти бўлмаган ўқувчиларга ҳам зарар келтиради, аммо биринчи навбатда ижодий қобилиятга эга ўқувчиларга зарар келтиради. Демак, бир томондан ўқитувчилар ўқитиш жараёнини ижодиётнинг мажбурий зарурий қуий даражасида ижодсиз ўқувчиларнинг касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантиришга йўналтириб қуришлари, иккинчи томондан, ижодга эга ўқувчиларнинг касбий политехник фикрлаш кўникмасини анча юқори даражада шакллантиришга интилишлари керак. Буни амалга ошириш мумкин бўлган шакллар ўқувчиларнинг тадқиқот ишлари ҳисобланади, бироқ ўқув фаолиятининг мазкур турлари замонавий таълим муассасаларда кенг тарқалган деб бўлмайди.

Касбий дунёқарашни шакллантиришда, унинг барча параметрлари бўйича шаклланганлиги даражасини баҳолаш воситаси бўлади. Шунинг учун мустақил бажариладиган топшириқлар вазифанинг бажариш даражаси ва муаммони таҳлил қилиш жиҳатлари муайян касбий масалаларга мос келиши керак, бу эса битирудиларда ижодий, тезкор ва интегратив касбий дунёқарашнинг тўлиқ даражада намоён бўлишга имкон беради.

**Касбий дунёқараши шаклланиш жараёнининг натижа-баҳоловчи компоненти.** Бу компонентни ишлаб чиқиша қўйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур: Касбий фикрлаш қўникмасининг шаклланганлик даражаларини қай тарзда тавсифлаш мумкин; Касбий фикрлаш қўникмасининг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун қандай усувлардан фойдаланиш мумкин; касбий политехник фикрлаш қўникмасини шакллантириш жараёни мониторингини қандай ташкил этиш зарур.

Бунинг учун мустақил тадқиқот олиб бориб, бу ечимларни излашнинг йўналишларини белгилашга ҳаракат қиласиз. Касбий политехник фикрлаш қўникмаси шаклланганлик даражаларини ишлаб чиқиша қўйидаги асосларда қурилиши керак:

-ўқитиш жараёнида ўқувчиларда касбий политехник фикрлаш қўникмасининг тушунчали ва образли компонентлари шаклланган бўлиши керак, улар тушунчалар ва образлар кўринишида мавжуд бўлган, муайян касбга оид тушунчалар, техника ва технологиялар тўғрисидаги билимлар мажмуидан иборат;

-ўқитиш жараёнида ўқувчиларда касбий дунёқарашининг таъсирчан компоненти шаклланган бўлиши керак бўлиб, у ўқитувчи фаолияти доирасига киравчи турли хил кўринишдаги масалаларга мувофиқ тушунчалар ва образлар билан (яъни янги технологиялар тўғрисидаги билимлар билан) ишлаш қўникмалари мажмуини ифодалайди;

-касбий политехник фикрлаш қўникмасининг шаклланганлик даражасини унинг сифат тавсифлари (тезкорлик, интегративлик, ижод даражаси) бўйича аниқ бир фанни ўрганилгандан кейин бу сифатларнинг шакллантирилиши нуқтаи назаридан фаннинг имкониятларини таҳлил қилишга (мутахассисни тайёрлашда унинг ўрни, материалнинг мазмуни ва масалаларнинг ўзига хос хусусияти) таяниш керак;

-бу имкониятлар мураккаблиги даражаси турлича бўлган масалалар билан муфассал тавсифланиши ва намойиш қилиб кўрсатилиши керак бўлиб, улар ёрдамида бу сифатларнинг шаклланиш жараёнини назорат қилиш мумкин.

Айни пайтда касбий политехник фикрлаш кўникмасининг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун реал ўкув жараёнини ташкил этишда бир-бирини тўлдириши лозим бўлган қуйидаги услублардан фойдаланиш мумкин:

1. Билим ва кўникмаларнинг (касбий политехник фикрлаш кўникмасининг компонентлари сифатидаги) шаклланганлик даражаси ва касбий политехник фикрлаш кўникмасининг сифат тавсифларини (тезкорлик, интегративлик, ижод даражаси) баҳолашга имкон берувчи аниқ ўкув фани доирасида маҳсус ишлаб чиқилган диагностик (ташхисловчи) тошириқлар.

2. Психологияда ишлаб чиқилган касбий политехник фикрлаш кўникмаси, политехник интеллект, шахс креативлиги тестлари.

3. Ўқувчиларнинг мустақил иш топшириқларини (Тадқиқот ишида кимёвий билимлар бўйича олинган) бажаришда касбий политехник фикрлаш кўникмаси даражасини баҳолашнинг маҳсус ишлаб чиқилган мезонлари.

4. Ўқувчиларнинг (Кимё фани) амалий топшириқлар, лаборатория ишларини бажаришда намоён бўлган касбий политехник фикрлаш кўникмасини баҳолашнинг маҳсус ишлаб чиқилган мезонлари.

5. Илмий-тадқиқот ишларида иштирок этувчи ўқувчиларнинг касбий политехник фикрлаш кўникмаси даражасини баҳолашнинг маҳсус ишлаб чиқилган мезонлари.

Касбий политехник фикрлаш кўникмаси ва политехник интеллектни ташхислашнинг психологик тестлари кейинги пайтларда фаол ишлаб чиқарилмоқда ва уларнинг асосида олимларнинг политехник интеллект тузилмасида тизимини ташкил этувчилар бўлиб фазовий-образли қобилиятлар ётиши тўғрисидаги тасаввурлари ётади.

Психологик методикалардан фойдаланиш орқали таълим муассасасида ўқиши жараёнида касбий дунёқарашни, касбий политехник фикрлаш кўникмасига бўлган қобилиятлар ва уларнинг шаклланиш динамикасини баҳолаш мумкин.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида интегратив ва ижодий касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантиришда қўшимча имкониятларга эга бўлгани тўгарак машғулотлари, касбга йўналтириш ишлари ва электив ўқув курслари мавзуси ва топшириқлари кўрсатилган сифатларни долзарблаштириш, уларнинг тугалланган маҳсулотдаги намоён бўлиш даражаси эса маҳсус баҳоланиши керак. Мос равишда бундай баҳолаш мезонлари олдиндан ифодаланиши ва ўқувчиларга маълум бўлиши керак.

Бунда баҳолашнинг энг самаралиси, балларнинг максимал миқдорини чеклаш тизими ҳисобланади, уларни фанни ўрганишда тўплаш мумкин. Бунда баллар ўқувчиларнинг ўқув ишларининг ҳар хил турларига мос равишда тақсимланади. Бу ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятининг даражасини оширади.

Ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш тизимини яратиш олдида турган вазифаларни ифодалаймиз. Бунда фан ўқитувчилари (тадқиқот ишида Кимё фани мисолида олинган) қўйидагиларни бажаришлари керак: касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантириш жараёнида амалга ошириш мумкин бўлган аниқ мақсадларни бутун ифодалашлари; ўқув материалининг мазмунини таҳлил қилишлари ва касбий политехник фикрлаш кўникмасининг компонентлари сифатида унинг сифат тавсифларига мувофиқ билим ва кўникмаларнинг тўлиқ рўйхатини ишлаб чиқишилари; аниқ ўқув материали учун фанлараро алоқалар тизимини ишлаб чиқиши; муаммоли турдаги маъruzаларни ишлаб чиқиши; барча турдаги аудитория машғулотлари учун яққол илова ишлаб чиқиши; амалий машғулотлар учун касбий политехник фикрлаш кўникмасининг амалий таъсирини шакиллантиришни таъминловчи мураккаблашиб борувчи масалалар тизимини касбий политехник фикрлаш

кўникмасининг сифат тавсифларига мувофиқ ишлаб чиқиш; амалий машғулотлар учун мини-лойиҳалар бўйича ишбилармонлик ўйинлар ва топшириқлар ишлаб чиқиш; касбий политехник фикрлаш кўникмасининг амалий таъсирини ва тажриба ўтказишнинг ақлий таъсирларини шакиллантиришга йўналтирилган лабаратория-амалий машғулотлар учун топшириқлар ишлаб чиқиш; ўқувчиларнинг курс лойиҳаларини ва тадқиқот ишларини намоён этган касбий политехник фикрлаш кўникмаси даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Ўқитиш жараёнининг умумий қонуниятларидан дидактик тамойиллар келиб чиқади [20,25,46,94]. Дидактик тамойилларни биз ўқитиш мазмuni, методлари ва ташкил этиш шакллари ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш усусларини аниқлайдиган умумий ва муҳим мўлжаллар тизими сифатида аниқлаймиз.

Кимёвий билимларни ўқитиш жараёнида политехник тушунчаларни шакиллантиришнинг қуидаги асосий босқичларини ажратиш мумкин:

- 1) ички қонуниятларни очиш ва тушунча элементлари ўртасидаги ички алоқалар ўзгариши ҳисобига тушунча мазмунини чукурлаштириш;
- 2) тушунчанинг ҳажмини ошириш, янги предметлараро алоқаларни, объектларнинг янги таснифларини аниқлаш ҳисобига тушунчалар мазмунини кенгайтиштириш;
- 3) битта назариядан бошқасига, битта бўлимдан бошқасига ўтишда тушунчаларни узвий ривожлантириш.
- 4) тушунчаларни интеграциялаш, яъни ички алоқалар ва предметлараро алоқалардан кенг фойдаланиб чукур назарий уумумлаштириш асосида тушунчаларни билимларнинг аниқ назарий тизимига бирлаштириш.

Касбий политехник фикрлаш қўникмасини шакиллантириш жараёнининг кўриб чиқилган барча ташкилий тузилмаларининг ўзаро таъсири касбий муҳим тафаккур турини шакиллантириш ишида барқарор натижани таъминлайди.

Ўкувчиларда касбий политехник фикрлаш кў尼克масини шакллантириш мақсадида ўқитувчилар уни фаоллаштирувчи ўкув фанлари бўйича ўкувчиларнинг мустақил ишларининг қуидаги турларини режалаштириш амалга оширилди:

1. Назарий ўкув материалининг айрим бўлакларини мустақил ўрганиш. Бунинг учун муҳим шартлар бўлиб ўкувчиларга мавзу тузилмасида ўрганилаётган масаланинг ўрнини англашга имкон берувчи тегишли ўкув материаллари ва топшириқлар ҳисобланади. Бундай топшириқлар ўкувчиларга образдан тушунчага ўтиш ҳаракатларини машқ қилишларига имкон беради;

2. Касбий политехник фикрлаш кў尼克масини фаоллаштирувчи ўкув фанлари бўйича амалий уй топшириқларини мустақил бажариш;

3. Масалалар ечиш, лаборатория ишлари бўйича ва бошқалар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;

4. Фан бўйича махсус мавзулар бўйича (ушбу мавзулар фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилади ва ўкувчиларга тақдим этилади) маълум лойиҳаларни бажариш.

Касбий дунёқарашни шаклланганлик даражаларини ишлаб чиқиш қуидаги асосларда қурилиши керак: ўқитиш жараёнида ўкувчиларда касбий политехник фикрлаш кў尼克масининг тушунчали ва образли компонентлари шаклланган бўлиши керак, улар тушунчалар ва образлар кўринишида мавжуд бўлган политехника ва технологиялар тўғрисидаги билимлар мажмуидан иборат; ўқитиш жараёнида ўкувчиларда касбий политехник фикрлаш кў尼克масининг таъсирchan компоненти шаклланган бўлиши керак бўлиб, у ўқитувчи фаолияти доирасига киравчи турли хил кўринишдаги масалаларга мувофиқ тушунчалар ва образлар билан (яъни политехник ва технологиялар тўғрисидаги билимлар билан) ишлаш кўникмалари мажмуини ифодалайди; касбий политехник фикрлаш кў尼克масининг шаклланганлик даражасини унинг сифат тавсифлари (тезкорлик, интегративлик, ижод даражаси) бўйича аниқ бир фанни ўрганилгандан кейин бу сифатларнинг шакллантирилиши нуқтаи

назаридан фаннинг имкониятларини таҳлил қилишга (ўкув материалининг мазмуни ва масалаларнинг ўзига хос хусусияти) таяниш керак; бу имкониятлар мураккаблиги даражаси турлича бўлган масалалар билан муфассал тавсифланиши ва намойиш қилиб қўрсатилиши керак бўлиб, улар ёрдамида бу сифатларнинг шаклланиш жараёнини назорат қилиш мумкин.

Айни пайтда касбга йўналтириб ўқитиша касбий политехник фикрлаш кўникмасининг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун реал ўкув жараёнини ташкил этишда бир-бирини тўлдириши лозим бўлган қўйидаги услублардан фойдаланилди:

1. Билим ва кўникмаларнинг (касбий политехник фикрлаш кўникмасининг компонентлари сифатидаги) шаклланганлик даражаси ва касбий политехник фикрлаш кўникмасининг сифат тавсифларини (тезкорлик, интегративлик, ижод даражаси) баҳолашга имкон берувчи аниқ ўкув фани доирасида маҳсус ишлаб чиқилган диагностик (ташхисловчи) топшириқлар.

2. Психологияда ишлаб чиқилган мустақил фикрлаш кўникмаси, политехник интеллект, шахс креативлиги тестлари.

3. Ўкувчиларнинг фан бўйича маҳсус мавзулар асосида лойиҳаларни бажариши, электив таълимда касбий политехник фикрлаш кўникмаси даражасини баҳолашнинг маҳсус ишлаб чиқилган мезонлари.

Лойиҳалар ўкувчиларнинг ўкув фаолияти тури сифатида тезкор, интегратив ва ижодий касбий политехник фикрлаш кўникмасини шакллантиришда қўшимча имкониятларга эга бўлгани учун уларнинг мавзуси ва топшириқлари қўрсатилган сифатларни долзарблаштириш ва мос равища баҳолаш мезонлари олдиндан ифодаланиши ва ўкувчиларга маълум бўлиши керак.

Барча ўкув фанлари бўйича натижаларни баҳолашнинг ягона тизими амал қилиши муҳим бўлиб, у бир томондан ўкувчиларнинг мунтазам машғулотларини рағбатлантиради, иккинчи томондан назорат қилишнинг барча даражаларида табақалашган баҳоларни беради.

Шу сабабли, Кимё ўқув предмети концепциясини ишлаб чиқдик ва тавсия этдик: Кимё - бу моддалар ва уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар билан бирга келадиган моддаларни ва уларнинг ўзгаришини ўрганадиган табиий фан. Кимёвий қонунлар ва назариялар бошқа боғлиқ табиий ва техник фанларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, кимё ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ҳар бир инсон ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ. Кимёвий билимлар умумий инсоният маданиятининг муҳим қисмидир ва цивилизациянинг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Ўрта мактабда кимё фан сифатида ўқувчиларнинг мақсадлари, вазифалари, таълим даражаси, ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кимё фанининг дидактик эквиваленти ўзгартирилади.

Таълим муассасаларида кимё таълими қўйидагиларни ўз ичига олади:

Ўқув жараёнида ижтимоий аҳамиятли йўналиш йўналишларини шакллантириш, ривожлантариш, шу жумладан ўқувчиларнинг умумий маданий ва шахсий ривожланиши, олинган кимёвий таълимнинг аҳамияти, масъулият ва ватанпарварлик ҳисси, ижтимоий ҳаракатчанлик, ҳаётнинг турли вазиятларига мослашиш қобилияти;

- асосий ва мавзуга оид (ёки мавзуга оид) компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантариш: кимё учун хос бўлган билим, кўнишка, қобилият ва ижодий фаолиятдаги тажриба, маълумот оқимини бошқариш ва уни таҳлил қилиш, кимёвий билимларни мустақил равишда олиш қобилияти;
- ўқитишининг кейинги босқичларида ва келгуси касбий фаолиятда умрбод таълим олиш ва ўз-ўзини ўқитиши учун замин яратадиган тизимли кимёвий билимларни шакллантириш.

"Кимё" фанининг аҳамияти тегишли фанларнинг табиат қонунларини билишда тутган ўрни билан белгиланади. Бу мактаб кимёвий таълимининг асосий таркибий қисми. Асосий кимёвий тушунчалар, қонунлар ва назариялар, далилларни мунтазам равишда кўриб чиқиш замонавий инсоннинг

дунёқарашини ва унинг умумий маданий баркамоллигини шакллантиришга ёрдам беради. Кимёвий билимлар моддий оламнинг асосини ташкил этувчи моддалар таркиби, хоссалари ва конструкциялари тўғрисидаги ҳақиқий материалларни узатишни, шунингдек, маълум кимёвий тушунчалар, қонуниятлар ва назарияларни тизимли ўрганиш жараёнида ривожланишни (ўқитиши, кимёвий эксперимент, сифатли ва ҳисоблаш вазифалари, моделлаштириш), кўникма ва фикрлаш техникаси.

Кимёвий таълимнинг амалий ва умумий маданий таркибий қисмлари моддалар қиймати ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўзгаришлари билан белгиланади. Кимёвий ўзгаришларни билиш турли соҳаларни яратиш ва бошқариш асосини ташкил этади. Кимёвий технологиялар асосида кимё ва нефт-кимё, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати, энгил, озиқ-овқат, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги ривожланмоқда.

Кимё саноатининг ҳолати кўп жиҳатдан ҳар қандай мамлакатнинг фаровонлигини белгилайди. Ўзбекистон Республикасида кимё мажмуасини ишлаб чиқариш ажralмас қисм бўлиб, тегишли тармоқларни ҳисобга олган ҳолда - ялпи миллий маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи. Кимёвий маҳсулотлар кундалик ҳаётда кенг қўлланилади. Табиий ва техноген келиб чиқадиган моддаларнинг нотекис ишлатилиши нафақат буни қилганларга, балки бошқаларга ҳам зарар этказиши ёки ҳатто жамият ва табиат учун глобал оқибатларга олиб келиши мумкин. Кимёвий фан ва таълим замонавий тсивилизация ривожланишидаги энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унинг мавжуд бўлишининг зарурий шартидир. Шунинг учун кимё фани асосларини пухта эгаллаш, шубҳасиз, замонавий жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун зарурдир.

Кимёвий таълимнинг мазмуни ўқувчиларнинг кундалик ҳаётда, табиатда, саноатдаги атрофдаги энг муҳим моддаларнинг хусусиятлари ва кимёвий трансформациялар моҳиятини тушунишга асосланган оқилона фаолият маданиятини шакллантиришга йўналтирилиши керак. Мактабдаги кимё

курсини ўрганишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу ўқув фанининг материаллари асосида ўқувчиларга соғлом турмуш тарзини олиб бориш зарурлиги, кундалик ҳаётда ишлатиладиган моддалар ва материаллардан кимёвий жиҳатдан тўғри фойдаланишда тажриба тўпланиши зарур. Айнан мана шу омиллар ўқувчиларни Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш миллий стратегиясини амалга оширишга тайёрлайди.

Кимё фани концепцияси умумий ўрта таълим тизимида кимёвий таълимни амалга оширишнинг умумий ёндашувларини белгилайди ва ўқув юртларида кимёвий таълим тизимини ривожлантиришни белгилайдиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун назарий ва услубий асосдир.

Кимё фани концепцияси ўқув материалининг ҳажмини аниқламайди, бу функцияни давлат таълим стандартлари бажаради. Ўқув материалини ўрганиш кетма-кетлиги кимё фанини ўқитишининг мақсад ва вазифаларига мумкин бўлган услубий ечимларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган ўқув дастурлари ва дарсликлар (ўқув қўлланмалари) билан белгиланади.

## **§ 2.2. Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида қасбий дунёқарашини шакллантириш методикаси**

Кластер шароитида форсайт марказлари ташкил этилиши ва бу марказга мактабгача, мактаб, лицей, коллеж, институтнинг етакчи мутахассислари соҳа олимлари иштирок этиши, режали ҳолатда муайян муаммоларига бағишлиланган форсайт ўтказилиши, истиқбол режаларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди.

Форсайт -бу инглизчадан таржима қилинганда келажакка назар, деган маънени англатиб, бирон бир воқеа, жараён, ҳодисани бир неча йил олдинга назар ташлаган ҳолда келажакдаги ҳолатини кўздан кечиришdir. “Форсайт” атамаси (foresight – инглиз тилидан олинган бўлиб, олдиндан чора кўриш, олдиндан кўра олиш, келажакка назар маъноларини англатади), ўтмишдаги каби келажакка қарашни шакллантириш учун тобора оммалашиб бораётган

инновацион технологияларга айланиб бормоқда. Форсайт- прогнозлаш ва стратегик таҳлил асосида (фалсафа, социология, ижтимоий психология, хуқук, иқтисодиёт, педагогика ва бошқалар) ҳақидаги махсус билимларни түплаш усули сифатида соҳадаги замонавий ривожланишга таъсир қилишга асосланади.

Форсайтнинг мақсади - бу ютуқлари түғрисида ҳисбот ёзиб, келажакдаги исталган тасвирни яратиш. Келажакни ўтмиш деб ўйлаган ҳолда, биз эртага ишлаймиз ва бу ерда ва ҳозирда энг катта ижтимоий имтиёзларга эришамиз. Башоратдан шахсий мартаба қуриш, ижтимоий лойиҳани жараёндан натижага йўналтириш, жамият ривожланиши учун башоратли сценарийларни яратиш учун фойдаланиш мумкин.

Форсайт нафақат келажакдаги ҳолатини кўздан кечиришни шакллантиришда иштирок этишни ўз ичига олади, балки иштирокчиларни ўзларининг тахмин қилинган ўзгаришларини амалга ошириш учун фаол чоралар кўришга чорлайди.

Форсайт технологиясининг моҳияти узоқ муддатли прогнозни режалаштириш эмас, балки келажакда бўлажак вариантларни аниқлаш, Форсайт иштирокчиларининг алтернатив кўрсатмаларини шакллантиришdir. Бу - объектни ривожлантириш учун мумкин бўлган сценарийларни аниқлаш;

Танланган сценарийни танлаш бўйича иштирокчилар ўртасида консенсусга эришиш шаклларини ишлаб чиқиши англатади.

Кенг қисмларни фаоллаштириш, яъни янги Форсайт иштирокчиларини жалб қилиш, бу унинг майдонини кенгайтиришга ва фуқаролик маданиятини ўсишига олиб келиши керак. Форсайт давомида олинган келажакдаги ривожланиш шакллари шаклида уни амалга ошириш чораларини қўриш.

Форсайт ҳар бир фаол ёш, кўнгилли, фуқарога келажакдаги ҳаракатнинг асосий лаҳзалари түғрисида малакали изоҳ олиш имкониятини беради,

Форсайт технологияси устида ишлаётганда, биз "нима қиласапмиз" ("Келажакдан прогнозлаш!") га қўшимча равища "Биз буни қандай қилиб қиласиз" деган саволни ҳам кўриб чиқиш керак.

Форсайт технологияси "тармоқни режалаштириш" процедураси бўлганлиги сабабли, яратилган режа амалга оширила бошлиди. Ушбу режа тургун эмаслигини тушуниш муҳим, у доимий равища ўзгартирилиб, тузиб борилади, тузилган "йўл харитаси" га таянади, бу жуда кўп қиррали бўлиши мумкин, чунки ривожланишнинг кўплаб алтернатив йўналишларини ҳисобга олиш зарур. Келажак аниқ ва аниқ тавсифни ўз ичига олиши керак, бунда ижодкорлик билан уйғунашиб, унга йўналтирилган бўлиши керак. Келажак ҳар бир аниқ шахс учун индивидуал эканлигини тушуниш жуда муҳимдир, чунки у унинг қадриятлари, мойиллиги ва қобилиятига мос келади. Фақатгина инсоннинг ўзи, ўз келажагининг аниқ ва аниқ шаклланишини яратиб, унга таъсир қилиши мумкин.

Форсайт технологияси асосида таълим муассасаларида кимёвий таълимнинг назарий ва услугий ёндошувлари ва тамойилларини амалга ошириш, умумий ўрта таълим даражасида кимёвий таълим мазмунини танлаш ва қуриш учун услугий асос тизим-таркибий, интегратив, компетенцияга асосланган, маданий ва шахсий фаолият ёндошувдир. Масалан, **Тизимли ёндашув** "Кимё" фанини изчил тизимли ўрганиш асосида ўқувчилар онгиди асосий кимёвий тушунчалар, қонунлар, назариялар, кимё фанининг далиллари ва усуллари тизимларини шакллантиришни таъминлайди. Шу билан бирга, ўқув муассасаларида кимё фанини ўқитишининг умумий мақсадлари, мазмуни, шакллари, усуллари ва воситаларини амалга ошириб, ўқувнинг барча ташкилий шакллари (дарс, режали дарс, дарсдан ташқари иш) орқали турли даражадаги мактаб кимёвий таълими яхлитлигини таъминлайди.

**Интегратив ёндашув** замонавий илм-фан ривожланишидаги этакчи йўналиш - унинг интегратив хусусиятини акс эттиради. Умумий ўрта таълим даражасида кимёвий таълимда у интеграция механизми ва воситаси сифатида

ички ва фанлараро алоқаларни ўрнатишни ўз ичига олади. Бундай ҳолда, интегратив ёндашув вертикал ва горизонтал интеграция орқали амалга оширилади.

**Вертикал интеграция** фанлараро алоқаларни ўрнатиш орқали "Кимё" фанининг алоҳида бўлимлари ва таркибий қисмларининг узвийлигини таъминлайди. Ландшафт интеграция кимёнинг фанлараро алоқаларини табиий-математик (тсикл ичида интеграция) ва гуманитар тсиклнинг (тсикллараро интеграция) бошқа фанлари билан амалга ошириш орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, интегратив ёндашув дунёнинг илмий расмининг бир қисми сифатида табиатнинг кимёвий манзараси тўғрисида яхлит ғояларни шакллантиришга ёрдам беради.

**Баркамолликка асосланган ёндашув** кимё таълими жараёнида ўқувчиларда нафақат асосий ва фанга оид ваколатлар, балки умумий маданий компетенцияларни шакллантиришни ҳам таъминлайди. Шу билан бирга, ўқувчилар ўртасида кимёвий билимларни шакллантириш, кимё билан боғлиқ ижодий фаолиятда кўникма ва бошлангич тажрибани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Маданий ёндашув** кимёвий таълимни маданий ҳодиса сифатида кўриб чиқишига, ўқувчилар маданиятини шакллантиришни унинг асосий мақсади деб билишга имкон беради. Шу билан бирга, мактаб ўқувчига ҳар бир маълумотли шахснинг юкига кириши керак бўлган зарур микдордаги кимёвий билим ва кўникмаларни бериши керак.

**Шахсий фаолиятга бўлган ёндашув** ўқув жараёнини диққат марказига қўяди, унинг қобилияtlари ва имкониятларини ривожлантириш учун шароит яратишни, фаолият жараёнида шахснинг ўзига хослигини очиб беришни ўз ичига олади. Бинобарин, кимё фанини ўқитиш жараёнида шахсий фаолиятга бўлган ёндашув ўқувчининг шахсиятининг барча соҳаларига ривожланувчи таъсир кўрсатадиган, кимё фанини ўрганишни рағбатлантирувчи ва умуман

мактаб кимёвий таълими сифатини яхшилайдиган тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Ўрта маълумот даражасида кимёвий таълим қуидагиларни ўз ичига олиши керак. Кимё соҳасидаги билимлар тизими: Кимё фанини ўрганиш жараёнида шаклланадиган кўникмалар тизими (интеллектуал, умумий илмий ва махсус); ушбу соҳада тўпланган амалий тажриба, тўғри шаклланган қиймат йўналишлари асосида одамга ва унинг атрофидаги дунёга ижобий муносабатни ўз ичига олади.

Кимёвий таълимнинг санаб ўтилган таркибий қисмлари умумтаълимда "Кимё" фанини ўрганишнинг бутун даври давомида амалга оширилади ва ўкув муҳитини шакллантиради.

Кимёвий таълим мазмунининг илмий ва назарий асослари асосий назарий тушунча ва қонунлардан иборат: атом-молекуляр назария (мавзуни ўрганишнинг дастлабки босқичларида), материянинг тузилиши (атом тузилиши назарияси ва кимёвий боғланишлар назарияси);

Замонавий тушунчалар асосида очилган даврий қонун; электролитик диссоциация назарияси; кимёвий реакцияларнинг вужудга келиш ва вужудга келиш қонунлари тўғрисидаги таълимот; моддаларнинг кимёвий хоссаларининг уларнинг таркиби ва тузилишига боғлиқлиги. Органик кимёни ўрганишнинг асоси органик бирикмалар тузилиши назарияси хисобланади.

Умумий ўрта таълимда кимё курсининг мазмуни қуидаги дидактик бирликларни ўз ичига олади:

1.Кимё қонунлари ва назариялари;

2.Асосий кимёвий тушунчалар;

• моделлар;

• фактлар;

3.Кимё фанининг услублари;

#### 4. Буюк олимларнинг кимёнинг шаклланиши ва ривожланишидаги ҳиссаси.

Умумий таълим муассасаларида кимёвий таълим давлатнинг таълим соҳасидаги этакчи тамойилларига асосланади: демократлаштириш, узлуксизлик, стандартлаштириш, ўзгарувчанлик ва инсонпарварлик.

Демократлаштириш тамойил иккала даражадаги кимё фанини ўқитишнинг базавий даражаси доирасида кимёвий таълим олиш имкониятини таъминлайди, бу ўқувчиларга ўқиши кейинги босқичда давом эттириш ва касбий фаолиятларини, шу жумладан кимёвий йўналтирилган саноат ва қишлоқ хўжалигини давом эттириш учун teng имкониятларни беради.

Узлуксизлик тамойили узлуксиз таълим тизимишнинг асосий йўналишини акс эттиради - касб-хунар таълими берадиган ўкув юртлари ва муассасаларида ўкув жараёнининг яхлитлигига эришиш. Шу билан бирга, узлуксизлик - бу таълим жараёнининг ташқи томонини (унинг босқичлари, жойи, вақти, фаолиятни ташкил этиш кетма-кетлиги) англатади ва унинг ички моҳияти узлуксизликни акс эттиради. Шундай қилиб, ушбу принтсип умумий ўрта таълимнинг барча босқичларида кимёвий таълим мазмунининг узлуксизлиги ва узлуксизлиги орқали амалга оширилади ва касбий таълим учун замин яратади.

Стандартлаштириш тамойили кимё фанидан ягона меъёрий асос, умумий ўкув дастурлари, давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурлари асосида ўкувчиларни ўқитиш, ўқитиш ва ривожлантиришнинг умумий мақсадларини амалга оширадиган мактаб кимёси курсининг таркибини яратишни назарда тутади.

Ўзгарувчанлик тамойил умумий ўрта таълимда ихтиёрий кимё курсларини, шунингдек, умумий ўрта таълимнинг 3- босқичидаги лицей ва гимназияларда кимёвий ва биологик йўналишни ўз ичига олган вариацион компонент орқали амалга оширилади, бу эса кимё бўйича маълум бир назарий ва амалий тайёргарлик даражасини танлаш имконини беради. ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олади.

